



# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI


IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

06 (112)-сон, 2006 йил 9 февраль

Муносабат

## Эзгулик боқийдир, умр ўткинчи

Минг бора шукроналар айтмоқ лозимки, эндиликда жонажон Тошкентимизнинг ҳам ўз рамзи бор. Бу мамлакатимиз бош майдонида бунёд этилган ва Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган қарорига мувофиқ Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилган гўзал обидадир.



Солиқ ЗОИР олган сурат

Тоҳир МИРХОДИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Февраль кўшининг заррин нурлари бутун майдонни чароғон қилиб турибди. Вазирлар Маҳкамаси, Сенат бинолари олтиндек товланади, ипадек майин ёдгулар Мустақиллик хайкали, Бахтиёр она сиймоси мужассамланган маҳобатли ёдгорликда жилва қилади, атрофдаги манзара вужудга аллақандай илиқ туйғулар олиб кирмоқда. Ҳа, Ватанимиз юраги — Мустақиллик майдони эндиликда гўзал маскан, ҳур ва озод халқимизнинг ифтихори, эзгуликлар рамзига айланди. Бу ҳам истиқлол туфайли кўлга киритган энг қатта юқларимиздан биридир.

Аксарият йирик шаҳарларнинг ўз "ташир қоғози" — дунёга танитиб турадиган бетакор рамзи бўлади. Айтилик: Москванинг Кремли, Парижнинг Эйфель минораси, Қоҳира яқинида Гиза эҳромлари...

Урда яқинида туғилиб-ўганим боис, буш вақтларимда Тошкентни қок ўртасидан иккига бўлиб, шарқираб оқиб турган Анҳор

бўйларида, унинг ён-атрофидаги майдонлару хиёбонларда сайр қилишни, хаёл суришни яхши кўраман.

Мана, Мустақиллик майдонидаман. Унинг кейинги етмиш йиллик тарихи кўзим ўнгига намоеён бўлади. Бу майдон не-не воқеаларни бошдан кечирмади. Шўролар даврида уюштирилган кўпминг кишилик митинглар, ҳарбий парадлар, меҳнатқашларнинг намойишлари... 1966 йили Тошкент замини қалқиб турганида буюқ Фофур Гулом, ундан сал кейинроқ аллома адиб Ойбек сунги манзилга мана шу ердан кузатилган.

Зилзиладан аввал майдон тор, ён-атрофида, ҳукумат уйини ҳисобга олмаганда, бир қаватли паст-баланд иморатлар бўларди.

Анҳор бўйидаги кўримсизгина уйда машҳур актёр Наби Раҳимов, майдонга туташ кўчада забардаст санъаткор Шукур Бурхонов, сал нарироқда шоир Мақсуд Шайхзода яшардилар. Майдоннинг ўнг томонида "Искра", чап томонида эса "Молодая гвардия" деб аталадиган кинотеатрлар, Навоий номли театр томон юз қадамча юрсангиз, цирк биноси бўларди. Шунчалик мўрт иморатлар эканки, зилзилада тудек тўқилиб кетди.

Мени ҳамаша бир нарса хайрон қолдирарди. Майдон аввал Ленин номи билан аталарди. Ҳозир Мустақиллик майдони монументи қад ростлаб турган ерда йўқиллар "доҳий"сининг Шарққа қўл чўзган хайкали бўларди. Бу

ҳам етмаганидек, майдонга туташ кўча ҳам унинг номига қўйилганди. Ҳозирги Қабуллар уйи Ленин номидаги пионерлар саройи эди. Унинг қаршида эса яна шу номи музей. Ярим қақирим наридаги университет ҳам «доҳий» номи билан аталарди. Бугунги Вазирлар Маҳкамаси биноси орасида шу номдаги завод бор эди. Эътибор бераёйсизми: бор-йўғи бир квадрат километрга етар-етмас маконда аҳоли коммунистик мафкураининг сим тўрлари билан чирмовуқдек ўраб олинганди.

Аллоҳга шукр, мустақиллик туфайли энди ҳаммаси ортда қолди. Мамлакатимиз бош майдонининг ҳозирги жозибадор кўрғасини унинг яқин ўрмидаги манзараси билан асло қиёс-

лаб бўлмайди. Метродан чиқиб, майдонга кираверишда йўлнинг ўнг томонига ўрнатилган катта стендга кўзим тушди. Унда бош майдонимизнинг 50-йиллар, 60-йиллар, 70-йиллар ва, ниҳоят, 2005 йилдаги манзараси фотосуратларда акс эттирилибди.

Дарҳақиқат, Мустақиллик майдонида ва унга туташ, ҳудудда кейинги 5-10 йил ичида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Янги бинолар ва иншоотлар қад ростлади. Ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланиб, эндиликда ажиб бир чирой касб этди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий бинолар, ям-яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди, майдоннинг ўзи бутунлай қайта реконструкция қилинди. Шу кунларда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиши қизгин давом этмоқда.

Майдоннинг энг тўрида истебодли хайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан ишланган ва бронзадан қўйилган улугвор мажмуа. Ер шарида мустақил Ватанимиз эгаллаган ҳудуд, тағдида эса келажақидан мамнун ҳолда боласини бағрига олган Бахтиёр она хайкали.

Шу ерда битта ҳақиқатга алоҳида ургу бериб ўтмасдан бўлмайди. Мустақиллик майдонида кейинги ўн-ўн беш йилда нимаики қурилган бўлса, Хотира хиёбони ёки Эзгулик аркаси, Она ва бола хайкали ёки Сенат биноси, Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита иштироки билан бунёд этилди. Шунинг учун ҳам Исломо акани янги Мустақиллик майдонининг бош меъмори деб аташга тўла асосимиз бор.

Президентнинг "Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида"ги тарихий қарориди жуда ўринли таъкидланганидек: "Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждоқларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуг, энг азиз неъмат бўлиши истиколимизнинг муқаддас рамзидир".

Бундан буён Мустақиллик ва эзгулик монументи пойтахтимизда энг табаруқ қадамга бўлиб қолади. Умумхалқ байрамлари, давлат миқёсдаги тантанали маросимларда гўлчамбар қўйиш одат тусига кирди. Аниқ айтиш мумкинки, Ўзбекистонга ташриф буорган чет давлатларнинг раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, ҳорижий делегациялар, хатто оддий сайёҳлар ҳам бу муқаддас қадамжони зиёрат қилмасдан кетмасликлари аниқ.

## Ақл-идрок жаҳолатдан устун келади

«Бугунги кунда нафақат маърифатли, зиёли инсонлар, балки оддий одамлар ҳам қурраи заминдаги тирикликнинг нечоғли омонат эканини тобора теран англамоқда. Ер юзидаги осуда ҳаёт кундан-кунга кучайиб бораётган кўплаб таҳдидларга, ақл-идрокнинг жаҳолатдан қанчалик устун келишига, сайёрамизнинг турли бурчакларида яшаётган одамларнинг қалб туйғуларини ҳис этиши, дарди дунёсига қулоқ солиш, муқаддас қадриятларни, уларнинг Парвардигорга бўлган иймон-эътиқодини ҳурмат қилишдек эзгу фазилатларга бевосита боғлиқ бўлиб қоламоқда.

Табиийки, ҳар қандай минтақада тинчлик, тотувлик ва барқарорликни сақлаб қолишнинг асосий шарти ўзаро сабр-тоқатли ва бағрикенг бўлиб, муросаи мадора қилиб яшашни тақозо этади. Бу оддий, аммо ўта муҳим ҳақиқат бугун одамларнинг онги ва қалбига, жамоатчиликка таъсир кўрсатадиган давлат раҳбарлари, партия ва ҳаракатлар етакчилари учун юксак ахлоқий мезон ва ибрат намунасига айланмоғи даркор. Бундай талаб барчага, жумладан, тарихий тараққиёт ва демократик ривожланиш борасида кўп асрлик тажрибага эга бўлган, ўзини маърифатли ҳисоблайдиган Европа учун ҳам бирдек тааллуқлидир...»

Айни пайтда "Халқ сўзи" газетасининг 7 февраль сониди эълон қилинган "Муқаддас туйғуларга даҳл қилиб бўлмайди" номли мақоласида тилга олинган ана шу мулоҳазалар ҳар бир ватандошимиз кўнглидан ўтаётир, десак муболаға қилмаган бўлаемиз.

Маълумки, Фарбдаги маълум бир нашрларнинг мусулмон олами учун мўътабар зот — пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлайдиган расмлар чоп этиши оқибатида юзага келган норозиликлар оқими ҳамон тинмаётир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари эса янги-янги норозилик чиқишлари, дипломатик элчихоналар ва вазолатхоналарга уюштирилган ҳужумлар, Фарб давлатларининг махсулотларига қарши бойкот эълон қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабарлар тарқатишда давом этмоқдалар.

Юз берган ана шу воқеалар муносабати билан халқро кузатувчилар, бу ҳодисалар ер кўрасида террорчилик, экстремистик ва фундаменталистик ҳаракатларнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин, деган башоратларни илгари сурмоқдалар. Агар диний ниқоб остида сунъий равишда авж олдирилаётган қарама-қаршилиқлар ўз вақтида тўхтатилмаса, бу ҳол ҳалокатли оқибатларга олиб келиши турган гап. Матбуот эркинлигини инсоният эркинлигидан устун қўйишга фаросати етаётган айрим сўзамолларнинг эса кимларнингдир буортмалари асосида шундай йўл тутганларидан бир кун келиб афсус ва надомат чекишлари муқаррар. Аммо жаҳолат соясини эзгулик нурлари пайҳон қилган ўша пайтда кеч бўлмасайди, дегинг келади...

Муқаддас ҳадисларда бир инсон кўнглига озор етказиш ҳам оғир гуноҳлар сифатида тилга олинади. 1,5 миллиардлик мусулмон оламнинг нозик ҳис-туйғуларини таҳқирлаш йўли билан ўз манфаатларини илгари сураётган, юз берган талотўплардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар эса ақл-идрокнинг жаҳолатдан барибир устун келишини, бир кун келиб қора пардалар кўтарилишини ҳис этмаётган кўринадилар. Минг бора шукроналар қиламизки, она-Ўзбекистонимиз ана шундай бало-қазолардан ҳоли, тинч ва осуда. Бундай осудаликни эса ҳеч ким, ҳеч қачон ҳеч нарсага алишмайди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элатларнинг, турли диний конфессияларнинг вакиллари истиқомат қилмоқдалар. Юртбошимизнинг сайё-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ҳамжихатлик ҳукм сураётганлигига ҳар қанча шукрона қилсак оз.

Президентимиз ўзининг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" номли асариди таъкидлаганидек, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар тегат сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди... Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариш эса кечириб бўлмас хатодир.

### Узоқ ва яқин хорижда

**Грузия** **Можаро ечим топгани йўқ**  
Мамлакат парламентида Грузия-Осетия можароси минтақасида Россия тинчликсевар кучларининг бўлиши ҳақидаги масала яна ҳавода муаллақ осилиб қолди. Кизгин баҳс-мунозаралардан кейин парламент ва ҳукумат маслаҳатлар ўтказиш ҳамда мақбул қарорни ишлаб чиқиш учун бир ҳафталик танаффус олди. Грузия парламентарийлари Россия тинчликсевар кучларини сепаратизмга ёнбосишда айблаб, уларни олиб чиқиб кетиш талабини қўймоқдалар. Аммо Россия ва Жанубий Осетия вакиллари Грузия томонининг бундай эътирозлари асоссиз бўлиб, тинчликсевар кучлар жойлашган можаро минтақасида Россия фуқаролари учун ҳаф тўғдириши аниқ, деб ҳисобламоқдалар. Бирок Грузия бош вазири Зураб Ногаидели «тинчликсевар кучларни можаро минтақасидан олиб чиқиб кетиш ўртага қўйилган бирдан-бир мақсад эмас», «Тбилисининг Россия билан муносабатларни бузиш нияти йўқ», деди.

**Буюк Британия** **Муллага — етти йиллик қамоқ жазоси**  
Радикал мусулмонлар муллеси Абу Ҳамза ал-Масрийни Лондон судьяси Энтони Ҳьюз етти йиллик қамоқ жазосига ҳукм этди. Судья томонидан берилган баёнотдан маълум бўлишича, Финсбери-партидаги маҷитининг собиқ имоми ўз издошларининг улар «одам ўлдиришга маънавий ва диний жиҳатдан мажбур» эканликларини ишонтиришга ҳаракат қилган. Лондоннинг жиноят ишлари бўйича марказий суди Абу Ҳамзага қўйилган айбловнинг 15 моддасидан 11 тасини тасдиқлади. Жараён бир неча ҳафта давом этди. Дин уламоси, хусусан, радикал мусулмонларга тарқатиш учун мўлжалланган видео ва аудио ёзувларни сақлаганликда айбдор деб топилди. Бундай ёзувларда миллатлараро қирғинбаротликда даъватлар бор. Шунингдек, у Британиянинг терроризм ҳақидаги қонуни 58-моддасини бузганликда ҳам айбланди.

**Венесуэла** **Мухолифатнинг қалтис ўйини**  
Президент Уго Чавес мухолифатни Қўшма Штатларнинг қўллаб-қувватлашида «мамлакатни умумий беқарорлаштиришга» уринишда айблади. Мухолифат Украинада рўй берган «зарғалдоқ инқилоб»ни бу ерда ҳам такрорлаш ниятидалар, деб хабар берди Венесуэла миллий радиоси сешанба кун. Мамлакат президенти радиотингловчиларнинг кўп минг кишилик аудиторияси олдида сўзга чиқиб, 2006 йил 4 декабрга мўлжалланган президент сайловлари олдидан ҳам ички, ҳам ташқи мухолифат «зарғалдоқ инқилоб» номи билан машҳур бўлган давлат тўнтарини амалга ошириш, вазиятни беқарорлаштиришнинг украинча вариантини қўллашини мўлжалламоқда, деди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 7 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий туловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:	1 Австралия доллари 890,46	1 Миср фунти 208,59	1 Польша злотийси 374,29	10 Жанубий Корея вони 12,37
	2 100,44	1 Исландия кронаси 18,88	1 СДР 1720,72	10 Япония иенаси 100,59
	192,06	1 Канада доллари 1043,52	1 Туркия лираси 901,86	1 Россия рубли 42,35
	324,86	1 Хитой юани 148,12	1 Швейцария франки 921,64	1 Украина гривнаси 236,27
	1193,16	1 Малайзия ринггити 319,07	1 ЕВРО 1432,87	

### Депутатлар ва қонун ижодкорлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бугунги кунда партиянинг дастурий ҳужжатларида белгилаб қўйилган либерал демократик ғоялар ва тамойилларни, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепциясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга исқил тадқиқ этишга ҳаракат қилмоқда.

хассислар ва соҳа мутасаддиларидан узил-кесил, ваколатли жавоблар талаб қилганлари беҳиз эмас, албатта.

Палата ва кўмиталарнинг, қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларнинг мажлисларида кўп ҳолларда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг раҳбарлари, тегишли соҳаларнинг мутахассислари тақриф этилади. Депутатлар лойиҳалар муҳокама қилинаётганда, улар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни диққат билан тинглайдилар. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг кўмиталари ҳузурида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш бўйича жамоатчилик эксперт гуруҳлари ҳам тузилган бўлиб, уларга амалий иш тажрибасига эга етакчи олимлар ва мутахассислар киритилган.

Қонун лойиҳаларини кўмиталарда муҳокама қилиш пайтида ҳамда ялпи мажлислар залида кўп ҳолларда кескин баҳс-мунозаралар келиб чиқади, шунинг учун ҳам бошқаларнинг фикр-мулоҳазасини тинглаш ва тушунишга, ўзгача нуқтаи назарни ҳам ҳисобга олишга одатланиш депутатларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим. О'зЛиДеП фракцияси аъзолари муроасозлик, амалий ва конструктив тарзда баҳс-мунозара қилишга ўзларининг тақриф ва кўшимчаларини фақатгина шундай йўл билан киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Либерал-демократлар профессионал икки палатали парламентда иш бошлаган дастлабки қонунларда ноқ даражада баёнотлар бериш, Қонунчилик палатасининг мажлислар залида телекамералар олдида бўлмағур шовқин-суронлар қилишдан ўзларини тийишга одатланганлар. Албатта, мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир партия ўз дастурий мақсад ва вазифаларини Олий Мажлисдаги вакиллари орқали рўёбга чиқариши истайдилар. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган мустақил депутатлар ҳам бор. Шундай қилиб, 120 нафар халқ ноибининг барчаси парламентда ўз фаолиятида муайян сиёсий ва мафуравий нуқтаи назарга амал қилмоқда.

ларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонуний жиҳатдан тартибга солишга қаратилгандир. "Фуқароларнинг жамоабир бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари!" таъминотининг исқиллик билан амалга оширилиши энг муҳим

**Қонун ижодкорлиги депутатлик ишида энг асосий йўналиш ҳисобланади, чунки бугунги кунда парламентнинг биринчи навбатдаги вазифаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган XXI асрда мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегик дастурини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборатдир.**

давлат масалаларини ҳал қилишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиши тақозо этди. Палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шулар жумласидандир. Мазкур қонун лойиҳасида ННТларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари (субсидиялар, грантлар), жамоат тузилмалари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, ННТларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Депутатлар ўз ишларини мақбул равишда ташкил этиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти"ни қабул қилдилар. Унда Қонунчилик палатаси мажлисларини ўтказиш, депутатлик бирлашмаларини тузиш, палата органларини шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил этиш, қонунчилик таомилни амалга ошириш тартиблари, шунингдек, бошқа масалаларнинг ечимлари белгилаб қўйилди.

Регламентга мувофиқ, қонунлар палата томонидан одатда учта ўқишда қабул қилинади. Биринчи ўқишда лойиҳанинг умумий концепцияси ва асосий қондалари тасдиқланади. Иккинчисида ҳар бир модда атрофича кўриб чиқилади ва алоҳида-алоҳида овозга қўйилади. Учтинчи ўқишда эса қонун лойиҳасининг билдирилган тақриф ва мулоҳазалар асосида тўлдирилган вариант муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида "Ҳар бир қонунлар бозор иқтисодиётига мувофиқ келадиган самарали уй-жой савдосини шакллантиришга, уй-жой қурилишини рағбатлантириш борасидаги вазифаларни амалга оширишга, уй-жой эга-



Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мажлиси бўлиб ўтди. Фракция аъзолари биринчи ўқишда киритилаётган "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнь Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида"ги, шунингдек, "Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарнода 1968 йил 8 октябрда имзоланган Локарно битимига қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини муҳокама этдилар.

### Қонун лойиҳалари — муҳокамада

#### Ўз мухбиримиз

Мажлисида тақдирландики, ҳар иккала қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси ва "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида"ги қонунининг 39-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Республика Президенти томонидан киритилган. Ушбу қонун лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси, Ташқи ишлар, Адлия, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат патент идораси ва Фанлар Академияси билан келишилган ҳолда тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директори Уринбосари В.Ермолаева ўз сўзида миллий патент талабномаларини топшириш ва кўриб чиқиш механизми, уларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда электрон ҳужжат кўринишида топшириш амалиёти, тарафларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва имкониятлари ҳусусида тўхталди.

Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси, О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.М.Тешабоев кун тартибидagi масалаларнинг муҳимлигини таъкидлаб, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасида ҳам қонун лойиҳалари юзасидан алоҳида давра суҳбати ўтказилганини маълум қилди.

Мажлис иштирокчилари ҳар иккала ҳужжатга қўшилиш Ўзбекистонда интеллектуал мулк ва ихтироларни ҳимоялаш, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилажанини таъкидладилар.

Мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



### «Аргалид»да янги иш ўринлари

Бу борада Президентимизнинг касаначиликни ривожлантиришга қаратилган Фармони кўл келаяпти, — дейди тадбиркор Феруза Мамасодиқова

#### Мирзакон ЮСУПОВ

Фарғона шаҳрида самарали фаолият юритаётган "Аргалид" ишлаб чиқариш фирмаси айни кунларда вилоят соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими муассасалари бюортмалари асосида махсус кийим-кечаклар, ғилофлар, кўрпа-ёстиклар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Жамоа яқинда ўн нафар чевар билан касаначилик фаолияти тўғрисида шартнома имзолади. Айни пайтда ана шундай келишув асосида беш нафар аёл уй шароитида махсулот тайёрлашга киришди.

— "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш имконини берди, — дейди фирма раҳбари биз билан суҳбатда. — Яратилган янги имконият ва имтиёзлар туфайли эндиликда кўшимча иш ўринлари ташкил этишимиз мумкин.

O'zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**Қашқадарё.** Қарши шаҳридаги вилоят кутубхонасида партиянинг "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, "Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши масъул ходимлари ва ННТ раҳбарлари иштирок этдилар.

Мазкур тадбирда партия вилоят кенгаши раиси М. Сайдалиев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти масъул ходими О. Жумаев, ЎзННТМА раиси ўринбосари Н. Гафоровалар сўзга чиқиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг иштироки ва роли, ижтимоий-сиёсий билими, ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида уларнинг фаол иштирокчини таъминлаш борасида партия олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритдилар. Шунингдек, тадбирда иштирок этган фаол йигит-қизлар бугунги кунда ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий фаолигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар уларни тўлақонли қониктирмаётганини, бу борадаги амалий ишлар фақат марказларда эмас, балки чекка ҳудудларда ҳам ташкил қилиниши, хусусан, ёшлар билан иш олиб борадиган ННТлар фаолиятига кенгроқ эътибор қаратиш ва ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

**Самарқанд.** Маълумки, О'зЛиДеП "Ёшлар қаноти"нинг асосий вазифаси янгилик яратишга чанқоқ, эл-юрт раванки, Ватан манфаати учун фидойий, замон руҳини теран англайдиган, ишбилармон, тадбиркор йигит-қизларни, ёш малакали мутахассисларни сиёсий куч сифатида бирлаштириш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шароит яратиб беришга кўмаклашишдан иборатдир. Ана шу мақсадда жойларда бир қатор тадбирлар ўтказилаяпти. Бундай тадбирлар мамлакат келажagini белгилаб берувчи йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган.

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида "Ўзбекистон — Ватаним маним" шiori остида ўтказилган форум Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тарқатишга бағишланди.

Партия вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими ташкил этган мазкур анжуманда бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари қатнашдилар.

Форумда О'зЛиДеП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Д.Нормуродов мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳусусида гапириб, йигит-қизларни янада фаол бўлишга, теварак-атрофда юз бераётган воқеликларга лояқид қарамасликка чакирди.

Шунингдек, форумда сўзга чиққанлар фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ёшларнинг ўрни ва роли ҳақидаги ўз қараёнида ва нуқтаи назарлари билан ўртоқлашдилар.

**Сурхондарё.** Партиянинг мақсад ва вазифаларини ҳақида ёшларга атрофича тушунча бериш, аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини таъминлаш ва фаолигини ошириш, ёшларнинг турли диний оқимларга кириб кетиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида партия вилоят кенгаши томонидан бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

"Соғлом авлод — соғлом келажак" мавзусидаги навбатдаги тадбир Термиз шаҳар педагогика коллежида уюштирилди. Тадбиркор Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё вилоят филиали етакчи илмий ходими Гулнора Холмаматова бошқарди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Қобилова сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли, Ўзбек аёлининг келажакдаги эзгу мақсадлари йўлида олиб борилиши лозим бўлган ишлар ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Аёллар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Г.Ибрагимова хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мақенини оширишда О'зЛиДеП томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди.

Термиз шаҳар ИИБ катта лейтенанти Қудрат Ҳамроқулов сўзга чиқиб, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар, шунингдек, уларнинг ҳар хил ёш оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш учун қандай профилактик ишлар олиб борилаётганини ҳақида маълумот берди.

**Наманган.** Шу кунларда вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази ташаббуси билан партиянинг дастурий вазифа ва мақсадларини, Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг 2005 йил 28 январдаги кўшма мажлиси ҳамда Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини партия аъзолари ва аҳолига етказиш мақсадида туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида "Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда О'зЛиДеП фаоллари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусидаги давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбирлар Мингбулоқ туманининг бир қатор маҳаллаларида, жумладан, "Кичик Жумашуй", "Бирлашган", "Қизилқум", "Қолғандарё", "Қирқчек", "Ўртақишлоқ", "Чордона", "Завод", "Ёшлик" ва "Янги Гулбоғ" маҳаллаларида ўтказилди. Уларда партия фаоллари билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, маслаҳатчи фаоллар, коллеж ва мактабларнинг битирувчилари, шунингдек, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этмоқда.

Наманган шаҳридаги 52-ўрта мактабда эса «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишлаб, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юрт фарзандлари соғлом бўлади" шiori остида театрлаштирилган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда мактаб ўқувчилари томонидан сиҳат-саломатлик ва ҳомийликни акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Тадбир сўнгида ўқувчиларнинг саволларига 5-шаҳар поликлиникаси ҳамширалари жавоб қайтардилар. Шунингдек, фаол иштирокчиларга О'зЛиДеП вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА

ШАРҲЛАР

ДАИМЛАР

ВОҚЕЛАР


XXL\_ASR@yahoo.com

Жамоат ташкилотлари:

Талаб ва имконият

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий нуфузи ва таъсирини ошириш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир

Маълумки, халқ, жамоат назорати тушунчаси юртимизда бугун пайдо бўлган ҳодиса эмас, балки азал-азалдан мавжуддир. Эркин демократик жамиятни шакллантириш, биринчи навбатда, жамоат ташкилотлари, бошқарув институтларининг ҳаётимиздаги нуфузи ва таъсирини ошириш, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ҳамда манфаатларига нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Бу масалага эътибор қанчалик кучайтирилса, ижтимоий муаммолар шунчалик тез ва самарали ҳал этилади, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши тезлашади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратаётганлиги ҳам бежиз эмас.



Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларидагина юртимизда жамоатчилик назоратини қарор топтириш ва ривожлантириш, улар фаолиятини ислоҳ қилиш ҳамда янгилаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари жамоат ташкилотлари таркибини қайта қуриш, уларнинг иқтисодлашувини таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVII бобида, Фуқаролик кодексининг 73, 75-моддаларида, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида", "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг асослари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ушбу ташкилотлар фаолиятини ислоҳ қилиш ва янгилашга оид муҳим қоидалар, мезёрлар белгилаб берилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда маҳаллий ва халқаро аҳамиятга молик 220 дан ортиқ жамоат бирлашмалари, 5 та сиёсий партия ва 5 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бу шубҳасиз, истиқлол тўғрисида қўлга киритилган энг катта имкониятлардан биридир.

Жамоат ташкилотларининг иш жараёнини қураш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ўз фаолият йўналишига кўра жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлар. Хайрия, ижтимоий-иқтисодий, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, спорт, экология, маданий-маърифий соҳадаги йўналишлар шулар жумласидандир. Мутахассисларнинг фикрича, жамоат ташкилотларини куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

**Биринчи гуруҳ.** Аҳоли муайян тоифаларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга иқтисодлашган ҳуқуқатга қарашиб бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Улар сирасига "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Фахрийлар" жамғармалари кирди.

**Иккинчи гуруҳ.** Иқтисодлашган миллий ва халқаро жамғармалар — "Экосан", "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган жамғармалар, Амир Темур маданий-тарихий жамғармаси, Матбуотни демократлаштириш ва журналистларни

қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Орolni кутқариш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари жамғармалари.

**Учинчи гуруҳ.** Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар — шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш уюшмаси.

**Тўртинчи гуруҳ.** Ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, артистлар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, кинематографчилар, шунингдек, судьялар ва адвокатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга иқтисодлашган жамоат ташкилотлари.

**Бешинчи гуруҳ.** Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида тузилган миллий марказлар.

**Олтинчи гуруҳ.** Умуммиллий хайрия жамиятлари, "Болалар" жамғармаси, болалар ўйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, республика талабалар жамғармалари ва ҳоказолар.

**Еттинчи гуруҳ.** Ижтимоий ҳамда экология масалалари билан шуғулланган маҳаллий бирлашмалар, сайёҳлик ва бадий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналари бирлашмалари.

**Саккизинчи гуруҳ.** "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган "Саёр" ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий муассасалардир.

Республикамиздаги жамоат ташкилотлари орасида демократик институтларнинг алоҳида ўрни бор. Улар орқали фуқаролар ўзини ўзи бошқаради, жамиятда муносив ўрни топади. Бу институтлар муайян маънода давлат институтлари тизимини тўлдирди, жамиятда мувозанатни таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистондаги жамоат ташкилотлари — инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари билан шуғулланган институтлардир. Уларнинг фаолияти кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишга қаратилган.

Ҳўш, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли нималарда кўринадиган? Улар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қандай уйдлашяпти?

Таъкидлаш жоизки, мавжуд жамоат ташкилотлари ўз мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга

мамлакатимиздаги мавжуд жамоат ташкилотларининг фаолияти аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб бераётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг айримлари ҳали-ҳануз янги шароитларда ишлашга мослаша олмаётганлар. Жумладан, ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изланувчанлик, ташаббускорлик, омилкорлик етишмайди. Қолаверса, аънавий жамоат ташкилотлари ҳаётнинг шиддатли оқимидан узилиб қолаётган, десак хато қилмаган бўламиз.

Очигини айтиш керак, ай-

оширилди. Шундай бўлса-да, мазкур соҳада ҳамон баъзи бир муаммолар сақланиб қолмоқда. Уларни бартараф этмай туриб, жамоат ташкилотлари ишини тубдан яхшилаш қийин, албатта. Ана шундай муаммолардан бири мамлакатимизда умумий сиёсий таълим даражасининг етарли даражада олиб борилмаётганлигидандир. Сабаби, жамоат ташкилотлари фаоллари сиёсий таълим жараёнига кенг жалб этилмаган. Уларни гоёвий чиниқтириш ишлари етарли даражада олиб борилмапти. Натижада жамоат ташкилотлари ўз ташвишлари билан ўра-

давлат тузилмалари ва органларини қанча кучайтирсак, амалдорларнинг ўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамоат назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ".

Бинобарин, қабул қилинадиган янги қонунда жамоат бирлашмаларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёж ва талаблари, уларнинг давлат ҳокимияти институтлари фаолиятини баҳолаш соҳасидаги функцияларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, унда жамоат ташкилотларининг асосий функциялари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши, омманинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини ошириш борасидаги роли, ушбу ташкилотларнинг масъулияти ва жавобгарлигига оид қоидалар, мезёрлар ўз аксини топиши лозим. Ушбу қонунга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузган, ўзининг низоми ва дастури доирасидан четга чиққан жамоат ташкилотлари тарқатиб юборилади, деган модда киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки жамоат ташкилотлари фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан қатъий тартибга солинган тақдирдагина уларнинг жавобгарлиги сўзсиз таъминланади.

Жамоат ташкилотлари вакиллари Олий Мажлис, вилоят, туман, шаҳар маҳаллий кенгашларининг сессияларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимият мажлисларида мунтазам равишда иштирок этиш ва тегишли ижтимоий масалаларни қўйиш ваколатини бериш керак. Ана шундагина уларнинг мақвеи ва нуфузини янада ошириш мумкин бўлади.

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги давлат ва жамият қурилиши академиясида жамоат ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш масалалари бўйича доимий семинар-тренинглар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу тадбирларга академия олимларини, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларини, вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, халқаро ташкилотларнинг вакиллари кенг жалб қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Эеро, жамиятимиз жамоат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузи ва таъсирини оширишдан тўла манфаатдордир. Бу эса айни соҳада қатъият ва изчиллик билан иш олиб боришни тақозо этади.

Жамоат ташкилотлари муайян ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини изчил ҳимоя қилиш ўрнига иккинчи даражали масалалар билан ўралишиб қолаётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тўғри, мустақиллик йилларида жамоат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, мазкур соҳада ҳамон баъзи бир муаммолар сақланиб қолмоқда.

рим жамоат (нодавлат) ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини, ўз низоми ва дастури мўҳиятини яхши тасаввур қилмаслик, юртимизда оз бераётган ижтимоий воқеаларга нисбатан бир томонлама ёндашиш, мавжуд муаммоларни атайин бўрттириб кўрсатишга уриниш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида куйидаги фикрни билдирган эди: "Шуни ҳам таъкидлашга тўғри келадики, уларнинг қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш ва янгилаш талаб этилади. Уларда мазкур жамоат ташкилотларининг сиёсий ўрни, асосий функциялари, шакллари, давлат ва партия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши лозим. Акс ҳолда бу соҳадаги сусткашлик ва ноаниқликларни бартараф этиш қийин кечади.

Унутмаслик керакки, жамоат бирлашмалари — бу давлат институтлари эмас, балки жамоатни бирлаштирадиган, уни ҳукуматнинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан ҳимоя қиладиган мустақил институтлардир. Бу ташкилотларнинг кенг иштироки, назорати орқалигина давлат институтларининг фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек: "... биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи

лашиб қолиб, муҳим ҳаётий масалалар олдида сусткашлик қилмоқдалар.

Демократизми, жамоат ташкилотлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилашга қаратилган эътиборни янада кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу масалага совуққонлик билан қарайдиган бўлсак, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш жараёни қийин кечиши турган гап.

Жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини, нуфузи ҳамда мавқеини ошириш энг муҳим, айни чоқда кўп қиррали вазифадир. Бунинг учун, биринчи навбатда, тегишли қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш ва янгилаш талаб этилади. Уларда мазкур жамоат ташкилотларининг сиёсий ўрни, асосий функциялари, шакллари, давлат ва партия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши лозим. Акс ҳолда бу соҳадаги сусткашлик ва ноаниқликларни бартараф этиш қийин кечади.

Унутмаслик керакки, жамоат бирлашмалари — бу давлат институтлари эмас, балки жамоатни бирлаштирадиган, уни ҳукуматнинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан ҳимоя қиладиган мустақил институтлардир. Бу ташкилотларнинг кенг иштироки, назорати орқалигина давлат институтларининг фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек: "... биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи

Касаначилик — ўзбек хонадони учун янгилик эмас. Ўтмишда хўнарандларимиз хом ашёни уйга келтириб, ундан маҳсулот тайёрлаб бозорга чиқаришган. Ушбу жараёнда бутун оила аъзолари қатнашгани боис қосибнинг фарзанди қосиб, заргарнинг фарзанди заргар бўлиб вояга етган. Илгаридан тўпланган тажриба ва кўникмалар касаначилик ҳаракатини кенг авж олдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Касаначилик — кўшимча даромад манбаи

Президент Фармони O`zLiDePнинг жойлардаги ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирларда кенг муҳокама қилиниб, уни амалиётга татбиқ этиш имкониятлари изланмоқда

Феруза ЭГАМОВА

Маълумки, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети ва даромадларини кўпайтириш, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва муайян турдаги хизматларни кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг самардорлигини ошириш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини кенг жамоатчилик, айниқса, O`zLiDeP аъзолари қизгин маъқуллаб, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш юзасидан жойларда йиғилиш ва давра суҳбатларини ўтказмоқдалар.

Яккасарой тумани ҳокимлигида ўтказилган "Саноатимиз ривожини — иқтисодий таъминотимиз равақини" мавзусидаги тадбир ҳам айнан ушбу масалага бағишланди. Унда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси ва маҳаллий ҳокимиятдаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этдилар.



Йиғилишда сўзга чиққанлар партия Дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, мамлакатда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қулай шарт-шароит яратиш, жамиятимизнинг ўрта синфини ташкил этувчи мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ишлар қўламини кенгайтириш масалалари нақадар долзарб эканлигига алоҳида урғу беришди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Муҳлиса Ақромова иш билан бандлик масаласи ҳақида фикр билдирар экан, жумладан, шундай деди:

— Уй бекалари азал-азалдан хонадон шароитида кундалик юмушлар орасида каштачилик, дўппидўзлик, зардўзлик, гилам тўқиш, чеварлик билан шуғулланиб келганлар. Корхоналар билан шартнома тузган хўнарандлар банд аҳоли тоифасига кирди. Демак, касаначилик меҳнат дфтарчаси берилиб, улар ўз турар жойларида фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари Носир Зокиров саноат корхоналарининг аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари хусусида қуйидагиларни баён қилди:

— Туманимизда 20 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги енгил саноатга ихтисослашган. Маълумки, ўз даврида гуржираб фаолият кўрсатган Тошкент тўқимачилик комбинати туманимизда жойлашган. Уша пайтларда комбинатда 6 мингдан зиёд ишчи меҳнат қилган. "Ўзбекенгилсаноат" АК раисининг 2005 йил 7 февралдаги бўйруғига кўра, унинг фаолияти тўхтатилиб, ўрнида 2 та ўзбек-турк "ТошКАЯ текстил" ва "ЧитинКАЯ текстил" қўшма корхонаси рўйхатдан ўтди. Бугунги кунда "ТошКАЯ текстил" ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, 1200 киши иш билан таъминланган. Яқинда бу ерда тикувчилик цехи иш бошлади. Яъни, эндиликда пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Уйда ўтирган чевар аёлларга материал етказиб бериб, талабга кўра маҳсулот олинадиган "ЧитинКАЯ текстил"га ҳам хориждан охири моделдаги технологиялар олиб келинмоқда. Бу ерда дастлаб 3000 га яқин киши иш билан таъминланади. Ҳар иккала корхонага келгуси уч йил давомида 10 мингдан ортиқ ишчи олинши, ундан ташқари 15 мингдан зиёд киши касаначилик асосида иш билан таъминланиши мўлжалланмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг долзарблиги шундаки, касаначилик фаолияти бундан бун ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланади. Бу, айниқса, серфарзанд оилалар учун манфаатлидир. Чунки бу кўшимча даромад келиб туришини таъминлайди.

Бу ҳақда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг Аёлларнинг сиёсий фаолиятини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими сектор мудири Ҳаётхон Қўчқорова шундай фикр билдирди:

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мана шундай тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бизнинг мақсадимиз мазкур Фармон юзасидан жойларда, чекка қишлоқларда, аҳоли зич ҳудудларда тадбирлар ўтказиш, аҳолига унинг мазмун-моҳиятини етказиш, ҳаётга татбиқ этишдир.

Ўзбекистонда касаначиликни оммалаштириш ишларини жадаллаштириш орқали аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, уларнинг оила бюджети даромадларини кўпайтириш ва оқибатда турмуш даражасини янада юксалтиришга эришиш мумкинлигини ҳамма бирдек тушуниб етиши керак.

## «Эл-юртимга садқа бу жоним!»



— дейди халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати, Ғиждувон туманидаги “Камолот” фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Мўътабар ЖАББОРОВА. Чунки у ўз элига таяниб, мулкдор бўлди. Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатаяпти. Шу азиз эл-юрти ардоғида камолга эришди.

### Эшмурод БОБОМУРДОВ

“Тангри ғайратли бандаларини севади”, дейилади Хадиси Шарифда. Бундай кишилар эл-юрт ўртасида ҳам етарли макъа ва обрў-эътиборга сазовор бўлиши турган гап. Педагогдан чиққан тадбиркор Мўътабар Жабборованинг ҳаёти ва тақдири фикримизга жонли мисолдир.

У азалдан тадбиркорлар, хунармандлар ва савдогарлар юрти бўлган Ғиждувонда туғилиб ўсди. Ёшлиқдан шу кўтлуг аъёнанилар руҳида тарбияланди. Университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ўн тўрт йил мактабда математикадан дарс берди. Шу орада унинг тақдир риштаси олий маълумотили мутахассис Хомид Норпўлатов билан боғланди. Оилада бирин-кетин 5 ўғил туғилди. Аслида бу унча-мунча одамга насиб этавермайдиган катта бахтдир.

— Ишни момоларимиздан ўтиб келаётган касб-хунардан бошлашга қарор қилдим, — дейди М. Жабборова. — «Хуршид» фирмасини очиб, тикувчилик, патдўзлик, зардўзликни йўлга қўйдим. Ходимларнинг аксарияти кўни-кўшнилари — турли сабаблар билан уйда «ўтириб» қолган хотин-қизлар эди. Диффуза Қудратова, Шахло ва Шахноза Ахмедова... Улардан кейин келганлар кўрпа-ёстиқ жилдлари, коржомалар, турли кийим-кечақлар тикши билан шугуллана бошлади. Энг муҳими, бу маҳсулотларнинг бирортаси дўкон пештахталарида туриб қолгани йўқ. Демак, мўлжални аввал бошдан тўғри олган эканмиз. Орадан кўп ўтмай, ишчиларимиз сони эллик нафардан ошди.

Интиланганга толе ёр, деганлари шу бўлса керак. 1998 йилда Мўътабархон бирдан ҳаммани хайрон қолдириб, ўз соҳасини ўзгартирди. Жилвон массивидан янвал ва 50 гектар бўз эр олиб, «Камолот» фермер хўжалигини тузди. 5 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига чорвачилик фермасига асос солди. Ҳозирги кунда бу ерда 40 бош ситир-бузоқ, 100 бош қўй-эчки парвартишланмоқда. Икки йил ичида қарз узилди, фойда ҳисобидан олинган «МТЗ-80» ва «Т-4» тракторлари ёнга қолди. Шахсий техникаси ёрдамида ўз ҳисобиданги бўз ердан 30 гектарини ўзлаштириб, бугдой, пахта, полиз ва озука экинлари етиштири бошлади. Ишлар ҳар томонлама юришиб кетди.

Омад бир келса, келаверар экан. Мўътабар Жабборова 2001 йилда ўтказилган «XXI аср тадбиркор аёли» республика кўриқ-танлови гўлиби бўлди. Шундан сўнг ишбилармонлик ҳаётининг мазмунига айланди. Кейинги уч йилда чорва сони

1,5 баравар кўпайди, маҳсулдорлик даражаси кескин ошди. 2004 йилда 50 тонна галла ҳосили етиштирилди. Чамалаб кўринг: ақалли шунинг ярми омонга киритилганда ҳам «Камолот»чиларга қанчадан натурамукофот тўғри келади? Беш галлакорнинг ҳар бирига камидан 5 тоннадан! Бунинг устига 35-40 минг сўмдан ойлик иш ҳақи, шахсий чорва учун тақсимлаб берилган сомон, ем-озука қанча! Мўътабар рақамларини яна давом эттириш мумкин. Пахтанинг йиллик соф даромади 1 млн., чорваниси 5 млн. сўмдан ошаёпти. Хали бу ҳисобга полиз ва бошқа тақририй экинлар фойдаси қўшилмаган.

Айни кунда дон, гўшт, баллиқ, полиз, тухум ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиладиган хусусий дўкон ва замонавий ошхона ишлаб турибди. Шунингдек, автомобилларга 5 турда техника хизмати кўрсатиладиган цехлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Хақиқий тадбиркор қанча кўп фойда кўрмасин, бир жойда тўхтаб қолмаслиги лозим, — дейди «Камолот»чилар сардорини. — У тинмай изланиши, янги қонун ва қарорлар асосида фермерларга яратилаётган имтиёзлардан унумли фойдалана билиши, ўзи ва софдошлари учун қўшимча имкониятлар эшикларини очиб билиши лозим. Ана шунда ўзига ҳам, эл-юртга ҳам кўпроқ манфаат келтиради.

Мўътабар Жабборова «сафдошлар» деганида фақат ўзидай ишбилармонларни эмас, балки улар манфаатларини кўзлаб мамлакат сийёсат майдонига отилиб чиққан O`zLiDeP аъзоларини ҳам назарда тутгани аниқ. Чунки ўзи Ғиждувонда биринчилар қатори шу партияга аъзо бўлган. Унинг ортидан бирин-кетин «Нажмиддин» хусусий корхонаси бошлиғи Олима Файзиёва, «Меҳрли қизлар» фирмаси раҳбари Фозила Хотамова, хусусий тадбиркорлардан Раъно Латипова, Холида Орипова, Насиба Турובה, катта ўғли Ҳаким Норпўлатов, ишчи Мухтарам Мухаммедова, тракторчи Ибод Норов, қишлоқ ўқитувчиси Фароғат Холикова ҳам O`zLiDeP сафига қўшилдилар.

Орадан кўп ўтмай, Мўътабар Жабборова партия туман кенгаши аъзоллигига, кейинчалик «51-Зарангари» сайлов округидан халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутатлигига сайланди. Бу, албатта, унга билдирилган катта ишонч ва эътибордан далолат эди.

Банкдан 20 млн. сўм миқдорда кредит олиб, муқобил МТП ташкил этди. Олти хил замонавий техника - «Т-4», «Т-28», «Т-30», «МТЗ-80» тракторлари, «ЮМЗ» крани ва «СК-5» комбайни сотиб олди. Энди

туман МТПсига бот-бот қатнаб, зарур техника учун ҳафталаб навбат кутишга ҳожат қолмаган эди. Шу тариқа экинларга мақбул муддатларда, нисбатан арзон баҳода ва сифатли ишлов бериш, ҳосилни ўриш, ариқ-зувурларни тозалаш, далаларга ўғит ташкил жараёни анча осонлашди. Сайловдан кейин бу имкониятдан Зарангари худудидаги 70 та фермер хўжалиги ҳам баҳраманд бўлаёпти. Эвазига йил якуни бўйича «Камолот»га шартнома асосида ҳақ тўлашмоқда.

Депутат ўз сайлов округидаги одамларнинг талаб-эҳтиёжиди, қувонч ва ташвишларидан яхши хабардор. Ушбу хуудда юзлаб кам таъминланган оилалар, 800 га яқин ишга эҳтиёжманд ёшлар бор. Бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин? 10 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига фирмада иш ҳақми кенгайтирилди. Натижада Гулнора Назарова, Замира Хошимова, Диффуза Қудратова каби 20 нафар кўз-живон доимий меҳнат ўрнига эга бўлдилар.

— O`zLiDePдан вилоят кенгашига 6, туман кенгашига 16 депутат сайланган, — дея сўзини давом эттиради М. Жабборова. — Улар орасида туман ҳокими Толиб Қудратов, ҳисобчи-тадбиркор Саодат Тошева, маорифчи Саид Раҳмонов, бош ҳаким Уктам Тешаев бор. Кези келганда бир гапни айтиш: депутат сифатидаги фойдали имтиёз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатиди ҳақмаслақларимиз ўй-фикрлари, интилиш-мақсадлари билан уйғун бўлиши, қабул қилинаётган қонунларнинг ижроси тўла таъминланиши лозим. Бунинг учун асосан биз — депутатлар масъулмиз.

Ғиждувонда Жабборовлар оиласига кўпчилик хавас билан қарайди. Чунки тадбиркорлик ва фермерлик ботида уларнинг олдида тушадиган кам. Дейлик, катта ўғил Ҳакимжон удабаурон таъминотчи бўлса, кенжаси Ҳалимжон «Баракат» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари. Уларнинг ўз корхонаси, савдо дўконлари, ер-мулки бор. Учунчи ўғил Ҳаётжон эса «Хуршид-1» фирмасини бошқармоқда. Шахсий «Дамас», «ЖИП», «Нексия» ва юк машиналари оилавий тадбиркорлар хизматида.

Дарвоқе, яқинда «Камолот» яна бир поғона юқори кўтарилди. Яъни тендерда гўлиб чиқиб, маданий контурдан 41 гектар ер олишга эришди. Эндиликда иш жаҳҳаси янада кенгайиб, оилавий тадбиркорлар олдига янги уфқлар очилмоқда. Мустақилликнинг 15 йиллик тўйини муносиват меҳнат ютуқлари билан қўтиб олиш уларнинг бирдан-бир эзгу мақсадидир.

### ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

#### Сўхбатни Аъзам КОДИРОВ эътибор олди

— Мамлакатимизда ҳар бир тадбиркорнинг эмин-эркин фаолият юритиши, унинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоя қилиниши учун мустақам қонуний база яратилганига қарамай, жойларда айрим тадбиркорлик субъектлари ишга давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан асосиз аралашувлар ва чекловлар ҳамон давом этаётгани афсусланарли ҳол, албатта.

Айни пайтда вилоятда жами 26 миң 858 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 3804 тасини микрофирма, 9197 тасини кичик корхона, 4161 тасини фермер ва 2786 тасини — деҳқон хўжаликларини ташкил этади. 13 миң 857 нафар фуқаро эса яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қанчалар жиддий эътибор қаратилаётганини ҳамда уларни Андижон вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини уларга ажратилган жами кредит маблағлари миқдори 11,5 млрд. сўмга етганидан ҳам билса бўлади. Вилоят алий маҳсулот ишлаб чиқаришида тадбиркорлар улуши эса 2005 йилда 36 фоизга етган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, бу борадаги прокурор назорати таъсирчанлигини ошириш ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус фармойиш қабул қилинди ва доимий ҳаракатдаги ишчи гуруҳ таркиби, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Назорат тадбирларида асосий эътибор тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисоботлар қабул қилишда турли бюрократик тўсиқлар қўйилиши, уларнинг пул ва бошқа маблағларини ноқонуний равишда бошқа мақсадларга жалб этишининг олдини олишга, бошқарув, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик фаолиятига қонунсиз аралашува йўл қўймасликка, текширишларни тайинлаш ва ўтказишда белгиланган тартибга қатъий риоя этишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолият устидан мунтазам назорат амалга оширилишига қаратилмоқда.

Аммо гуруҳ қурмакисиз бўлмайдиганларидек, бу борада тадбиркорларга ёрдам бериш ўрнига улар йўлига тўғанок бўлаётган ҳолатлар ҳам учрамоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайдиган. Масалан, Асака туманидаги «Жайрон-3» кўп тармоқли ишлаб чиқариш хусусий корхонаси Улуғнор туманидаги «МКС» масъулияти чекланган жамиятига шар-

## ЎЗ ЖИГИЛДОНИ ВА ҚОРНИНИ СУЙГАН Бирорта ҳам одам ҳеч қачон гўзаллик яратмайди



## Ўроқда йўқ, машоқда йўқ...

ёки тадбиркорларни «чўмич»да қоқаётган айрим мансабдор шахсларнинг кирдикорлари хусусида

тнмага кўра умумий қиймати 12,8 млн. сўмлик қурилиш материаллари етказиб бергани ҳолда олинган маҳсулот учун 3,2 млн. сўмини тўлаб, қолган 9,6 млн. сўми бўйича ҳисоб-китобни амалга оширмаган.

Улуғнор туманидаги «Зиёкор» хусусий корхонаси эса «Оқ олтин» пахта тозалаш акциядорлик жамиятидан бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 3 млн. сўмини ололмаётгани аниқланди. Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Избоскан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан «Содиқ» кўп тармоқли хусусий фирмасидан гувоҳнома бериш учун ноқонуний тарзда таъсирчанлигини йиғилиши баённомаси, туман ҳокими қарори ва бошқа ҳужжатлар талаб қилинганга нима дейсиз? Текшириш якунига кўра, туман ҳокими номига тақдимнома киритилиб, айбдорлар интисомий жавобгарликка тортилдилар.

Ўтказилган тадбирлар мобайнида бевосита тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиши лозим бўлган банк, таъминот корхоналари ва кооперативларнинг мутасаддилари томонидан улар ҳақиқа хиёнат қилиш ҳолатлари аниқланаётгани эса ҳаммасидан ошиб тушмоқда. Сув келтирган хору кўза синдирилган азиз деганларидек, «Замин» ипотека банкнинг Бўз кичик банки мудири У. Набиев тумандаги «Хуршида бону» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига келиб тушган 2 млн. сўм пулни эгасининг розилигисиз «Оммон» савдо-ишлаб чиқариш кооперативининг кредитдан бўлган қарзини қоплаш учун ўтказиб юбориб, талон-тароқчилик йўл қўйган.

«Алоқабанд»нинг Андижон вилоят филиали собик бошқарувчиси А. Исраилова, бош ҳисобчи А. Болтабоев ва шу банкнинг Марҳамат туман бўлими бошқарувчиси С. Матазимовлар эса ўзаро жиноий тил бириктириб, банк томонидан «Мирзо Давлат» хусусий фирмасига 6 млн. сўм миқдорда кредит ажратишда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, банк акцияларини белгиланган тартибда сотмасдан, «Баркамол инсон» хусусий фирмасидан молиявий ёрдам тариқасида 300 миң сўм маблағ тушириб, ушбу маблағни Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Т. Тўхтаевнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериб, текшириш кўнига қадавр А. Давлатовга банк акцияларини бермасдан келганлар.

Бундан ташқари, банк мансабдор шахслари «Баркамол инсон» хусусий фирмасидан «Мирзо Давлат» хусусий фирмасига молиявий ёрдам тариқасида ажратилган маблағни қоплаш учун А. Давлатовнинг фирмаси ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлардан 300 миң сўмини тадбиркор розилигисиз «Барка-

мол инсон» хусусий фирмасига ўтказиб юборганлари аниқланган. Қолаверса, Марказий банк Андижон вилоят бош бошқармаси мансабдор шахслари «Алоқабанд» вилоят филиали мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари бўйича ҳал этиш чораларини кўрмасдан, содир этилган жиноятни яшириб келганлар.

Яна бир бошқа мисолга эътибор беринг: «Ўзгеодезкадастр»нинг Пахтабод туман бўлими бошлиғи М. Сиддиқов ўз хизмат макъадан фойдаланиб, «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини «Хайробод» маҳалласидаги 1-уйда яшовчи, деҳқон хўжалиги ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаро Ж. Юлдашевдан 0,3 гектар тарақворни бириктириб бериш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш учун таъмағирлик йўли билан 110 миң сўм миқдорда пул олаётган пайтда ушларди. Шунингдек, Кўронтена туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари И. Акбаров ҳам Маданият ва истироҳат боғидаги ишга яроқсиз электр узатмалар қўтишини янгилаб бериш учун тадбиркорлар Х. Отакулов, К. Отахонов, К. Содиқов ва А. Халиловдан 50 миң сўмдан пул йиғиб олгани аниқланди.

Энг ёмони эса, назорат текширишларида солиқ идораларининг айрим мансабдор шахслари ҳам ана шундай жиноятларга қўл ургани маълум бўлди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарима чоралари фақатгина суд органлари томонидан қўлланилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, Марҳамат туман Давлат солиқ инспекцияси раҳбари М. Қиличев «Гули Зайнаб» кичик корхонасига 783,5 миң сўм миқдорда молиявий жарима қўлланиш ҳақида қарор қабул қилган. Худди шундай ҳолатлар Асака, Жалалқудук, Бўз, Кўронтена, Улуғнор туманлари ДСИ раҳбарлари томонларидан ҳам қайд этилган. Улар ўз ихтиёрлари билан тадбиркорларга нисбатан ҳар хил ҳажмдаги молиявий жарималарни қўлланганлар. Юқорида қайд этиб ўтилган хатти-ҳаракатлар, қонунсиз қарорлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилиниб, тадбиркорларга етказилган зарарлар тўлиқ қайтарилмоқда ва айбдорларга нисбатан турли даражадаги чоралар белгиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган 40 та текшириш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 48 та тақдимнома киритилиб, 22 та ғайриқонуний қарор протест асосида бекор қилинди. 9 нафар шахс интисомий, 14 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди ва етказилган 1,8 млн. сўм миқдордаги зарар ундириб берилди. Судларга эса 684,3 млн. сўмини ундириш ҳақида 17 та давво аризаси киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иш қўзғатилди.



### НОЛБЕ

#### «Жарқўргоннефть» очик акциядорлик жамиятининг МУҲИМ ФАКТЛАРИ

**Маълумот рақами — 09**  
Умумий йиғилиш тури — акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши.  
Йиғилиш ўтказиш тартиби — очик.  
Ўтказилган сана — 2005 йил 23 ноябрь.  
Ўтказилган жой — Жарқўргон шаҳри, Анохов кўчаси, 4-уй.  
Умумий йиғилиш кворуми — 69,7%

**«Жарқўргоннефть» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори:**  
1. Жамият бошқаруви раиси этиб Чориев Норкул Қаҳрамонович тасдиқлансин.  
1.1 Жамият бошқаруви раиси билан кузатув кенгаши ўртасида 1 йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин: Тарафдорлар — 183513 овоз — 100%, қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.  
2. Жамият низоми (9.10.9.21, 9.23.10.2, 10.6 ва 11-бандлари)га киритилган ўзгаришлар тасдиқлансин.  
2.2 Жамият Низомига киритилган ўзгаришлар тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин. Тарафдорлар — 183513 овоз 100%, қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



## ИНСОН ФАОЛИЯТИ ЮКСАК ҲОЯ БИЛАН СУҒОРИЛМАСА, САМАРАСИЗ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

# Қанот жуфт бўлади

Бухоро шаҳрида аҳоли ўртасида ўзига хос нуфуз, обрў-этибор қозонаётган бошланғич партия ташкилотлари талайгина. Улар орасида "Саломатлик маскани" хусусий шифохонаси қошидаги ташкилотнинг ўз ўрни бор. Аввало, ушбу масканда фаолият юритаётган 11 нафар олий маълумотли шифокор, 32 нафар ўрта ва кичик тиббиёт ходимининг барчаси O'zLiDeP аъзоси эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

■ Асхор ИСТАМОВ

Яна бир сабаби эса, кейинги бир йил мобайнида шаҳардаги умумий овқатланиш корхоналари, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, бошқача айтганда, бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд кишилардан 17 минг 532 нафари ушбу даргоҳда тиббий кўрикдан ўтказилди, 62 минг 700 нафар аҳолига малакали хизмат кўрсатилди. Демак, ҳар бир ходим, яъни O'zLiDeP аъзоси кунига ўнлаб одамлар билан мулоқотда бўлган. Бу эса партия фаолига аҳоли билан тиллашиш учун қулай имкониятдир.

Ўзаро суҳбат чоғида бошланғич ташкилот раиси Насиба Раҳматова ҳам шунга яқин мулоҳазаларни баён этди.

— Ҳақиқатдан ҳам биз хоҳласак-хоҳламасак, кунига кўплаб одамлар билан мулоқотда бўламиз. Уларнинг айримлари билан турли соҳаларда фикрлашиш, керак бўлса, бахслашиш имкониятига эгамиз. Аммо уларнинг ҳаммасига ҳам ўз ғоямизни тикштиравермаймиз. Бош шифокоримиз Жонибек Матниёзов айтганидек, тиббиёт ходими яхшигина психолог ҳам бўлиши, одамлар қалбига йўл топа олиши зарур.

Ўрни келганда, муассаса раҳбари, олий тоифали шифокор Жонибек Матниёзов ҳақида ҳам икки оғиз гапириб



Бошланғич ташкилот хонасининг дид билан жиҳозлангани ҳам киши эътиборини тартади. Бу ерда O'zLiDeP Дастури ва Низоми, партия фаолиятига оид зарур қўлланма ва бошқа ҳужжатлар, юқори ташкилотларнинг қарорлари ва фармойишлари билан таъминлаш мумкин. Партия йиғилишлари ҳам асосан ушбу хонада ўтказилар, энг муҳим масалалар шифохона маъмурияти билан ҳамкорликда шу ерда ҳал қилинар экан.

Айтиш жоизки, маъмурият билан партия ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жуда кўл келаётган. Буни 2005 йил якунилари мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, шаҳардаги 11-маҳалла фуқаролар йиғини, умумтаълим мактаби, 31-ва 85-болалар боғчалари бошланғич партия ташкилотининг беғараз ёрдами билан баҳраманд бўдилар. Шифохона раҳбарияти ва бошланғич партия ташкилоти саъй-ҳаракати туфайли шаҳардаги мактаб-интернатларга доимий равишда bepул тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бошланғич партия ташкилоти етакчисининг кундалик фаолияти ҳам даволаш-профилактика ишлари билан уйғунлашиб кетган. Хусусан,

**«Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожини, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади».**

O'zLiDeP Дастуридан

қилаётган шифохона жамоаси билан даволаш профилактика ишларини яхши йўлга қўйиш билан бирга партия дастурида белгиланган вазифаларни изчил рўйбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшапти.

Ҳалқимиз O'zLiDeP истиқболига катта умид билан қараяпти,— дейди у биз билан суҳбатда. — Зеро, у ўтган киска давр мобайнида ўзининг нималарга қодирлигини амалда намойён эта олди. Бу муваффақиятда, албатта, бошланғич ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор.

Шу кун партия фаоллари Раиса Ҳакимова, Матлуба Фаттуллаева, Аваз Ҳамраев, Райхон Тўлаева, Саломат Латиповалар билан ҳам партия фаолиятига оид мавзуларда анча суҳбатлашдик. Ҳаммаслақлар фикри бир жойдан чиқди: мақсад O'zLiDeP ғояларини янада кенг ёйиш, дастурда белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йиғилиши»да аҳоли сийҳат-саломатлиги йўлида бир қатор хайрли тadbирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бразилияда ишлаб чиқарилган «Гнатус» русумли тиш даволаш ускунаси, қон таркибидаги шаккар ҳамда РН микдорини аниқлашга мўлжалланган тиббий асбоб, биокимёвий ва клиник таҳлил жараёнида қўлланиладиган дозиметр, шунингдек, «Эстус — ЛЭД — Алладин» фотоактиватори, УЗИ ва бир қатор замонавий флюоро-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасаси юзлаб бухороликлар дардига малҳам бўлиш учун етарли шарт-шароитга эга.

«Саломатлик маскани»дан қайтишда, бу ердан чиқиб келаётган кишилар чехрасига назар ташладик. Уларнинг илиқ муомала ва аниқ ташҳисли муолажаларидан сўнг анча енгил тортганликлари шундай сезилиб турарди.

Турли табақа ва соҳа вакилларини ўз атрофига бирлаштирган O'zLiDeP фаолиятида, шубҳасиз маҳаллалар, корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжалиқларида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор.

■ Холмўмин МАМАТРАИМОВ, «XXI asr» муҳбири

## Кўрик-танлов ташкил этилса...

Улар партиянинг таянч нуқталари сифатида омма ўртасида кенг миқёсда ғоявий-сийёсий тadbирларни амалга оширмоқда. Биргина Сурхондарё вилоятида O'zLiDePнинг 20 минг нафардан зиёд аъзоси бўлиб, улар 450 та бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда иш юритмоқда. «Сурхондарё автотеххизмат», «Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятлари, «Тўпалангусов ва ГЭС қурилиш» МЧЖ, «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги сингари жамоалар қошида ташкил этилган бошланғич ташкилотлар фаолиятидан ҳар қанча ибрат олса арзийди. Моддий кўмакка муҳтож оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ушбу таш-

этилади. Унда бошланғич ташкилот раисининг сиёсий билими, партия сафларини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган ишлари, мажкур ташкилотнинг хайрия ва ҳомийлик борасидаги фаолияти эътиборга олиниши керак, албатта.

Вилоят «Тadbиркорлар маркази» МЧЖ бошланғич ташкилоти раиси, «Давинком» ДИФ вилоят филиали директори Абдулҳаким Турдиевнинг фикрича, партиянинг жойлардаги қўйи бўғинларини мустаҳкамлаш мақсадида ана шундай кўрик-танлов уюштириладиган бўлса, унинг шаҳар ва туман босқичларини ёз ойларида, вилоят босқичини Мустақиллик байрами, республика босқичини эса партия ташкил



килотларнинг доимий эътиборида. Масалан, ўтган йили «Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти вилоят футбол клубига 26 млн. 500 минг, футбол мактабига 3 млн. 500 минг, «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги соғлиқни сақлаш тизимига 2 млн. сўм маблағ ажратди. «Сурхондарё автотеххизмат» акциядорлик жамияти, «Тўпалангусов ва ГЭС қурилиш» МЧЖ томонидан ажратилган катта миқдордаги маблағ кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, болалар спортини ривожлантириш учун йўналтирилмоқда. Эътиборли томони, бундай фаол, изланувчан бошланғич ташкилотларда партиявий-сийёсий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Бизнингча, улар тажрибаси кенг миқёсда ўрганилиб, амалиётга татбиқ этилса, айна муддао бўларди. Ҳаётнинг ўзи шунга тақозо этмоқда.

— Партиянинг жойлардаги нуфузини янада ошириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кенгайтириш учун туман, шаҳар, вилоят ва республика кўрик-танловларини ўтказиш керак, — дейди O'zLiDeP аъзоси, «Тўпалангусов ва ГЭС қурилиш» МЧЖ бўлим бошлиғи Улуғбек Муҳитдинов. — Бунинг учун, аввало, танловнинг шартларини пухта белгилаб олиш талаб

этилган кун арафасида ўтказиш мақсадида мувофиқдир. Рағбат ва эътибор эса, мехнат жамоалари фаоллигини оширишга хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

— Бундай кўрик-танлов нафақат илғор ташкилотларни рағбатлантириш, балки сиёсий ўқувлар савияси ва самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этган бўлар эди, — дейди O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши қошидаги сиёсий таълим маркази директори Гулмира Амирова. — Ўтган йили биз сиёсий ўқувлар жараёнида партиянинг Дастур ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилаётган бир қатор бошланғич ташкилот раисларининг фикри мулоҳазаларини ўргандик. Мисол учун, Сарисийё, Шўрчи, Ангор туманларида йўлга қўйилган партиявий-сийёсий ишлардан ҳар қанча ўрганса арзийди. Албатта, кўрик-танлов ташкил этилса, бундай ташкилотлар етакчилари ва фаоллари меҳнатига муносиб баҳо бериш учун яна бир имконият юзага келган бўлар эди.



**Насиба Раҳматова**  
1967 йида Бухоро шаҳрида туғилган.  
Маълумоти — ўрта махсус.  
Бухородаги Ибн Сино номи тиббиёт билим юрти (ҳозирги тиббиёт коллежини) битирган.  
Шаҳар болапар

шифохонасининг зарарсизлантириш бўлимида кичик тиббий ходим сифатида иш бошлаган. Маспаҳат-пуплик стоматология поликлиникасида ҳамшира, хўжалик ҳисобидаги вилоят поликлиникасида бош ҳамшира вазифаларида хизмат қилган. 1997 йилдан Бухоро шаҳридаги «Саломатлик маскани» шифохонасида бош ҳамшира. Бошланғич партия ташкилотининг раиси.



2006 йил 9 февраль, пайшанба

06 (112) -сон

XXI\_ASR@yahoo.com

# Ҳамкорликда хислат кўп

Пахтаобод тажрибаси шундан далолат бериб турибди

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан бири — Пахтаобод туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 36 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар атрофига жипслашган 500 нафарга яқин маслақдошлар туманда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, партия гоёлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида фаоллик кўрсатишарди. Улар орасида туман халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти алоҳида ажралиб туради.

■ Аъзамжон ҚОДИРОВ

— Туманимизда 44 та умум-таълим мактаби, 3 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 1 та меҳрибонлик уйи, 28 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда халқимизнинг 36870 нафар фарзандлари тарбия топишарди. — дейди Зумрад Шамсиева. — Бошланғич партия ташкилотларига келсак, улар ҳозирча 22 тани ташкил этади. Ҳар бирига фаол сиёсий етакчилар бош-қош.

Дарҳақиқат, шундай. Биз бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишарканмиз, умумий йиғилишлар ва

уларда қабул қилинган қарорлар қай даражада амалга оширилганлиги билан қизиқдик. Аён бўлдики, туманда мактабларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати, ота-оналар билан ишлаш каби масалаларга биринчи даражада аҳамият бериб келинмоқда. Мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш, бино ва буюмларни ижарага бериш, ўқувчи ва ўқитувчиларга маиший хизмат кўрсатиш, иккиламчи хом ашё йиғиб сотиш ҳам диққат марказида тўтилади. Ўтган ўқув йилида кам таъминланган оилалар фарзандларига

**Зумрад Шамсиева**

**1964 йили Андижон**

**вилоятининг Пахтаобод**

**туманида туғилган.**

**Маълумоти олий.**

**Мутахассислиги —**

**ўқитувчи. 20 йилдан буюн халқ таълими**

**тизимида ишлайди. Яқин пайтда туман халқ**

**таълими бўлими услубчиси, O`zLiDeP бошланғич**

**партия ташкилоти раиси.**



тадбирларда O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг катта ҳиссаси бор. Ёшлар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш, турли спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳам партия фаолларининг диққат эътиборида.

— Одатда партия ишига амалий натижаларга қараб баҳо бериш керак, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг ўринбосари Феруза Мирзаҳимова. — Республикада бўлгани каби айна пайтда вилоятимизда ҳам фермерликка талабгорлар танловлари ўтказилмоқда. Яқинда ушбу жараёнда ноҳақликка учраган бир талабгор — Манзураҳон Анорбоева бошланғич партия ташкилотларидан бирига ариза билан мурожаат этиб-

2485700 сўмлик дарсликлар, 5348306 сўмлик кийим-бош хайрия қилинди.

— Ҳозир қуруқ даъватлар билан бирон-бир натижага эришиш қийин, — дейди ташкилот раиси. — Чунки бозор иқтисодиётининг ўз талаблари бор. O`zLiDeP тадбиркорлар ва ишбилармонлар қатлами билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга амалий ишлари орқали ҳам жамиятдаги ўз мавқеини оширишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, бошланғич ташкилотимиз ташаббуси билан халқ

**Яқинда ушбу жараёнда ноҳақликка учраган**

**бир талабгор — Манзураҳон Анорбоева**

**бошланғич партия ташкилотларидан**

**бирига ариза билан мурожаат этибди.**

**Ташкилот раиси бизни воқеадан хабардор**

**қилди. Туман, вилоят кенгашларининг**

**биралликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида**

**ҳақиқат қарор топди. Манзураҳон опа**

**танловда ғолиб чиқиб, фермерлик**

**мақомига эга бўлди. Агар бошланғич**

**ташкилот раиси ўшанда “Бу ишга менинг**

**нима даҳлим бор”, дея лоқайдлик**

**қилганида умид билан келган бир**

**фуқаронинг ҳафсаласи пир бўлиб,**

**партиядан кўнгли қолиши аниқ эди.**

таълими бўлими ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, 112 млн. сўм, партияга аъзо тадбиркорлар ҳомийлик ёрдами билан ҳам қўшиб ҳисоблаганда маориф тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 289 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Туман халқ таълими бўлими мудири И. Маматқулов ўзаро суҳбатда куйидагиларни таъкидлади: — Таълим ва тарбия — муштарак жараён. Фарзандларимиз камолоти йўлида барча имкониятлардан фойдаланаялми. 360 минг сўмлик бадий китоблар сотиб олиниб, мактаб кутубхоналарига тарқатилди. 20 нафар фахрий ўқитувчиларимиз Имом Ал-Бухорий қадамжосини зиёрат қилиб қайтидилар. Бу каби

ди. Ташкилот раиси бизни воқеадан хабардор қилди. Туман, вилоят кенгашларининг биргалликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида ҳақиқат қарор топди. Манзураҳон опа танловда ғолиб чиқиб, фермерлик мақомига эга бўлди. Агар бошланғич ташкилот раиси ўшанда “Бу ишга менинг нима даҳлим бор”, дея лоқайдлик қилганида умид билан келган бир фуқаронинг ҳафсаласи пир бўлиб, партиядан кўнгли қолиши аниқ эди.

Бу гапларни эшитиб, оддий бир журналист сифатида мен ҳам хурсанд бўлдим. Зеро, одамлар қалбига қулоқ тутиб, каттадир, кичикдир, уларнинг муаммосини ҳал этиш йўлида қатъият билан ҳаракат қилган партияга ҳам ўз мақсадларига эриша олади.



## Ишончга яраша изланиш керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловлардан сўнг аҳоли кенг қатламнинг O`zLiDePга бўлган ишончи кескин ортди. Бу борада куйи партия ташкилотларининг ҳиссаси каттадир. Аммо, очигини айтганда, сайловдан сўнг жойлардаги партия ташкилотлари фаолияти бирмунча сустлашгани ҳам кузатилмоқда. Айрим бошланғич ташкилотлар муҳим сиёсий тадбирдан сўнг хотиржамлик кайфиятига берилдилар. Давр ўзгараётди. Назаримизда, партия аъзолари ўртасида сиёсий фаолликни ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Акс ҳолда кўзланган мақсадларга эришиш қийин кечади.

■ Одижон ИНОМОВ

Хўш, партиявий ишларни жонлантириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Биз вилоятдаги иккита бошланғич ташкилот етакчисига ана шундай савол билан мурожаат қилдик.

— Ишонч — юксак масъулият. Унга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг муҳим бурчимиздир — дейди Раҳимберди Қосимов. — Бу борада биз «оз бўлсин, соз бўлсин» нақлига амал қилмоғимиз керак. Бошланғич ташкилотимизда беш нафар O`zLiDeP аъзоси ҳисобда туради. Уларни “чертиб-чертиб” танлаганимиз. Жалолхон Отамирзаев ва Иброҳимжон Ҳусанов масъул вазифада хизмат қилишса-да, партиявий ишларни ўринлаштириш бажаришга одатланишган. Бошқа фаолларимиз ҳам ўз

**Раҳимберди ҚОСИМОВ**

**1961 йилда Наманган туманининг**

**Қоратепа қишлоғида туғилган.**

**1983 йилда Тошкент**

**фармацевтика институтини**

**тамомлаган. Яқин пайтда**

**Наманган “Дори-дармон” очиқ**

**турдаги акциядорлик жамияти**

**бошқаруви раҳбари ҳамда**

**бошланғич партия ташкилоти**

**раиси. Халқ депутатлари Наманган**

**туман кенгашининг депутаты.**

зиммаларидаги топшириқни бекаму кўст адо этишга ҳаракат қилишарди. Узим ҳам O`zLiDePнинг туман кенгаши аъзоси сифатида партия гоё ва мақсадларини амалга ошириш йўлида куч-ғайратини аямаялман. Сиёсий фаоллик самараси ўларок, жойларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига нисбатан ишонч ортиб бораётди.

Бу борадаги ташаббус ва интилишларни янги босқичга кўтаришимиз лозим. Рамазон ойида кексаларни бир пиёла чойга таклиф қилиб, уларнинг дуосини олдик. Мактаблар, лицей ва коллежларда ўтказилаётган учрашувларга таниқли спортчилар, санъаткорларни ҳам таклиф этаёلمиз. Мақсад битта: у ҳам бўлса, келажакимиз бунёдкорлари бўлиши ёшлар онгига партия гоё ва мақсадларини имкон борича кенгроқ синдиришдир.

Бир сўз билан айтганда, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш учун тинимсиз изланиш, давр билан ҳамнафас бўлиш талаб этилади. Бу борада уларга туман ва ша-

ҳар кенгашлари яқиндан кўмак беришса, айна мудоао бўлар

**Алишер БОЙДАДАЕВ**

**1966 йилда Учқўрғон**

**туманининг Қўғай**

**қишлоғида туғилган.**

**Тошкент миллий**

**университетининг тарих**

**факультетини**

**тамомлаган. Ҳозирда**

**Наманган шаҳридаги**

**“Шер-Яверс” кўп**

**тармоқли хусусий**

**корхонаси раҳбари ҳамда**

**бошланғич партия**

**ташкilotининг**

**раисидир.**

эди. — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурини ўқиб чиққач, партия аъзоларига қабул қилишларини сўраб, ариза берганман, — дейди Алишер Бойдадаев. — Борбор корхонамизда партия аъзолари сафи кенгайи бошлади. Ҳозирги кунда улар сони 10 нафардан ошди. Сафдошларим катта ишонч билдириб, мени бошланғич партия ташкилоти раислиги-

га сайлашган эди. Ўтган қисқа давр ичида зиммамга нечоғлик катта масъулият юклатилганини тушуниб етдим.

Бошланғич ташкилотининг бир йиллигига бағишланган йиғилишда жамоамиздаги қолган икки киши ҳам сафимизда бўлиш истагини билдирди. Яқин кунда Авазхон Азизов, Маъруфжон Асқаров, Раваҳанбек Набиев, Жобурхон Қориев, Рустамжон Набиев, Мухторжон Сатторов сингари серғайрат ёшлар партия гоёларини амалга ошириш йўлида қатъият билан иш олиб боришарди.

Очиғи, корхона маъмурий биноси янги бўлганлиги тўғрисида ҳозирча бошланғич партия ташкилоти учун алоҳида хона ажратилмаган. Шундай бўлса-да, партиявий-сиёсий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз йўқ. Аслида оммавий — сиёсий ишларни хонада ўтириб амалга ошириб бўлмайди. Шу босис кўпроқ одамлар ичида бўлишга, уларга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси олиб бораётган ишлар юрт равнақи, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ишларни ташкилоти ҳаракат қилишарди. Шу босис хайрихоҳлар сафи кенгайиб бормоқда. Омма ишончини оқлаш, партия сафларини мустаҳкамлаш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш йўлида бундан буюн ҳам фаол иш олиб бораверамиз.

Бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий фаоллигини ошириш, омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш бугунги кунда O`zLiDeP олдида турган энг устувор вазифалардан биридир. Бу борада, айниқса, партиянинг таянч бўғини ҳисобланмиш қуйи ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилмоқда.

■ Дониёр КАМОЛ

## Масъулият ҳисси

Биз АТ “Пахтабанк”нинг ўртачирчиқ туман бўлими бошланғич ташкилоти фаолияти билан танишгач, юқоридаги фикрга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Партия ташкилоти учун ажратилган хонада Президент асарлари, партия Дастури ва Низомини, турли оммавий ахборот нашрлари тартиб билан териб қўйилган.

— Ҳар ҳафтада бир марта шу ерда йиғиламиз, — дейди Гўзап Қўшматова. — Партия мажлисида нафақат ташкилотимиз олдида турган масалалар, балки ҳар бир аъзога берилган топшириқларнинг ижроси ҳам муҳокама қилинади. Йиғилишларда кўпинча O`zLiDeP туман



**Гўзап Қўшматова**

**1970 йилда**

**туғилган.**

**Тошкент темир**

**йўл муҳандислик**

**институтини**

**тамомлаган.**

**Ҳозирги кунда АТ «Пахтабанк» Тўйтепа бўлими**

**ғазначиси, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти**

**раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда.**

кенгаши вакиллари, жамоа раҳбарлари иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришарди. Яқинда 8 нафар ходимни партия аъзолигига қабул қилдик. Шундай қилиб, сиёсий маслақдошлар сони 28 нафарга етди. Уларнинг қарийб 90 фоизи ёшлардан иборат. Ташаббускор, изланувчан йигит-қизлар билан ишлашнинг ўзгача гаши бор.

Туман ёки маҳаллалар микёсида ўтказиладиган бирон-бир тадбир йўқки, ташкилотимиз аъзолари фаол иштирок этишмасе. Айниқса, турли спорт мусобақаларида O`zLiDePчилар ҳамisha бош-қош. Ғолиб жамоаларни рағбатлантириш ҳам бизнинг зиммамизда. Бу эса ўз-ўзидан O`zLiDePнинг омма орасидаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳоли вакиллари турли масалалар бўйича аксарият ҳолларда ушбу бошланғич ташкилотга мурожаат этишарди ҳам кўп нарсадан далолат беради.

**Партия молия ва банк тизимида**

**ислохотларни чуқурлаштириш,**

**такомиллашган бозор**

**инфратузилмасини яратишга жиддий**

**эътибор қаратади. Банклар**

**сармоялаш жараёнининг муҳим**

**бўғини бўлиши, корхоналар ва**

**тадбиркорлик тузилмалари**

**ривожланишидан манфаатдор бўлган**

**содиқ ҳамкорга айланиши керак.**

O`zLiDeP Дастуридан

— Хабарингиз бор, ўтган йил 8 ноябрда мамлакатимиз раҳбари томонидан “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилинган, — дея сўзида давом этади етакчи. — Шу асосда туманимиздаги мавжуд 9 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар ўрнида тендер танловлари асосида 113 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Ушбу жараённинг ҳолисона ўтишини таъминлаш мақсадида биз ҳам жамоатчилик назоратини йўлга қўйдик. Янги мулк эгаларига банк хизматларини таклиф этиш билан бирга партия гоё ва мақсадлари, O`zLiDeP Дастур ва Низомини юзасидан кенг тушунириш ишларини олиб бордик. Тендер ғолибларидан юз нафари бизнинг банкимизда ўз ҳисоб-рақамларини очиди. Улар орасида партиямизга аъзо бўлиш истагини билдирганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, АТ “Пахтабанк” бўлими бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятини давр талаблари асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, албатта. Ўз сафларидан гоёвий-сиёсий етук инсонларни бирлаштирган партиянинг йўли ойдин, истиқболи порлоқ бўлади.


Илова учун масъуллар:  
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ.

# «Умри боқий топқамен...»

Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кунлари муносабати билан

Мана беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий халқ фахри, тилимизнинг байроқдори, шеърят мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлоқ қуёши бўлиб келмоқда. Навоийга ўхшаш доҳий шоирлар тасодифан дунёга келмайдилар. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маърифий-маънавий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ. Амир Темур Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Хусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган.

■ **Иброҳим ҲАҚКУЛОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор



Бунинг сабаблари мушоҳада қилиниши лозим.

Шунинг учун Амир Темур ҳукмронлиги давларида шаклланган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги бирлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирар эди. "Хуросон ва Мовароуннахр тарихида, - деб ёзганди академик Иззат Султон, - "Темур ва темурийлар даври" деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва гурурини уйғотар эди, чунки бу давр "турк улуши" зодагонларининг ҳокимият бўлишига ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлди. Зотан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг бунёдга келишига замин ҳозирлаган ва Навоий ўз тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди". Шу боисдан ҳам Навоий фикри очик, руҳонияти соғлом, тўғрилиқ, ростлик ва ҳақиқатни умр моҳияти деб билган, эл учун ижод қилиш заруриятини чуқур ҳис этган. Сўз билан одамни алдас, сўз билан ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабоҳат эканлигини ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Улуғ шоир бутун ижодиёти мобайнида "Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил", деган талаб ва ширидан мутлақо чекинмаган. Бу — ижод тажрибасида жуда кам учрайдиган ҳодисадир.

Навоий ўн бешдан зиёд шеърӣ шаклларда қалам тебратган. У ғазал, рубоий ва бошқа турдаги шеърларида инсонга хос жамики гўзал хис-туйғулар, эзгуликка чорловчи маъноларни тасвирлаб берган десак муболаға бўлмайди. Навоийнинг ўзбек тилида илк мартаба "Хамса" яратиши чинакам ижодий жасорат эди. "Хамса" — беш улкан дostonни ўз ичига олган мукаммал асар. Ҳар дoston-

нинг ўзи бир оламдирки, ундан гоғлар, ҳақиқатлар, неча ўнлаб қаҳрамонлар тақдири инсоният қалбини абадул — абад завқлан-тиришга қодир. Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир шоирлиги биланлигина белгиланмайди, албатта. Навоий бадий ижод жаҳсида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимликда ҳам шунчалик бе-назир. Навоийнинг тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфшуносликка бағишланган асарлари ханузгача ўзининг илмий қимматини бой бергани йўқ. Тилимиз, адабиётимиз муаммоларини ҳал қилишда бу нодир тадқиқотларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз, айниқса, ёш, авлод уллардан пухта баҳардор бўлиши зарур.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш — олижаноб меҳнат. Унинг таржимаи ҳоли, меросига қизиқиш XV асрдан бошланган. Навоий асарлари ўз замонасидаёқ моҳир хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, ҳалққа етказилган бўлса-да, навоийшунослик XX асрда янги шакл-ланди. Албатта, шўро даврида Навоий асарлари нашири ва тадқиқи бўйича кўп ишлар қилиниб, маълум ютуқларга эришилган. Аммо, улар эркин ёки озод бир миллатнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира олмасди. Чунки, Навоий тўғрисида баҳс юртдан ҳеч бир олим шўро мафқураси томонидан белгиланган чизиқдан четга чиқа олгани йўқ. Айтиш зарур бўлган фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг кўнгида қолиб кетганлиги энди сир эмас. Шоирнинг айрим асарлари нега мустақиллик замонига-ча тўлиқ нашр этилмади? Улуғ шоир ижодиётининг ирфоний моҳияти, илоҳий ҳақиқатлари хусусида деярли баҳс юритилмаган?

Ушбу хотиф — гоийбдан овоз берувчи адашмаган; Навоий ҳақиқатда ҳам шоирларнинг сардори, барча давр туркий шеърятининг султони. Алишер Навоий шеърятини санъаткорликнинг ҳам буюк мактабидир. Унинг ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тароқиёти ҳақида мулоҳаза юртиш ёки "Шоир ким, унинг асосий хунари нима?", — деган сўроққа аниқ жавоб топиш мумкин. Мен Навоий яшаб ижод қилган даврни гоҳо ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, ҳазрат шеърятининг ўқувчилари, мухлисларини кўз олдимга келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар — гўзаллик ва шеърятнинг сир-асорини ҳам, кадр-қимматини ҳам англай оладиган кишилар. Кейин илм аҳли — Навоийга олимларнинг — шоир, шоирларнинг — олимидеб қараган, Навоийни илм-фанни толмас муҳофизи, буюк маърифатпарвар ўлароқ эъзозлаган олим уламолар. Яна бир тоифа: На-

воий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари шеър тили ила гўзал талқин қилинишига тан берган файласуфлардир...

Хуллас, Алишер Навоий шеърятидан баҳрамандлик кўнги эҳтиёжи бўлиб қолган мусаввирлар, муғаннио хофизлар, давлат ва ҳокимият соҳиблари, ҳақ йўлчилари — дарвеш, фақир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вақиллари, қосиблар, хунарамандлар, деҳқонлар...

Эҳтимол бу қайлар кимгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмадлиги керак. Оддий китобхонни қўя турайлик. Шоир — шоирнинг, ёзувчи — ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай қўйган замонда ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда, кўпчиликининг Навоийга қизиқиш сабаблари тўғрисида ўйласак, асло зарар қилмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда "Навоий хослар шоири", деган бир фикр айтилган эди. "Хослар" — алоҳида тоифа демак. Одатда аҳли тасаввуфга хослар дейилади. "Аъхос" — хосларнинг хоси, "хос" — сараланган кишилар жамоаси, "авом" — саводсиз ёки саводи паст оддий халқ, "авом" — авом даражасига ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилоҳлар. Шунинг учун на тасаввуф нуктаи назаридан, на илм, савия, маданият, мезонига кўра Навоийни "хос"лар шоири дейиш ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Навоий шожнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам — ҳамма — ҳамманинг шоири. Навоий шеърятидан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Ҳатто золим ва хоҳил, нодон ва гумроҳ ҳам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеърятини битта баш мақсад бор — КОМИЛЛИК. Битта сарбон туйғу мавжуд — камолот туйғуси. Асосий биргина нур қайноғи бор — ИШҚ.

Дедим: назм аҳлининг сархайли ким бўлай, деди хотиф: Навоий бўлай, улакан сен тилайдурсен агар бўлғай.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин. Икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳияти ва саодати шу ишқда.

Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир нарсага ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасига юксалиш машаққатли — риёзат ва заҳматни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада оғирроқ. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирмайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликини осон ҳал қилиш йўли ёки

ушуларни кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки, биринчиси, комиллик давосини дилдан сугуриб ташлаб, ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуқсонларининг мушоҳадасига киришиш:

Ноқис улдуким, ўзин комил дегай,  
Комил улким нуқсин исбот айлағай.  
Ўз камолдин демас аҳли камол  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.

Сенки нуқсон ичра комилсен, басе,  
Олим айтиб ўзни, жоҳилсен басе.

"Нуқсон ичра комиллик" дегани нима? Бу — нафс дастидан халос бўлмаган ўзлик. Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний "МЕН" салоҳиятига асосланади. Инсоннинг иймқини ана шу "МЕН" ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди. Хурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюк шоирларидан бири "Оллоҳни жуда кўришни истасанг, "МЕН"ни жуда очик кўришни ўрган", деганда нафс учун ҳаёт бошланган ўша янги "МЕН"ни эътиборда тутган.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Мухйиддин Ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча, "Инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотик - улар фақат сувартада инсондирлар ҳолос". Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир қитъаларини хотирга келтиради:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,  
Ҳеч ор айлама заболдиган.  
Ким буларга гадолиф ортиқдир,  
Аҳли сувартага подшолиғдин.

Демак, "аҳли маъни" — комил инсонлар, "аҳли суварта" - комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърятини эса комиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадий қомусидир.

Алишер Навоий ҳазратлари бир ғазалларида комил ишонч билан шундай дейдилар:

Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро  
Ўзни бекуд, кўзни руҳсоринга ҳайрон айласам.

Ишқ тасвирида меърожа кўтарилган бобомиз шеърят майдониди ҳам тоабад умрибоқийлик топдилар. Улмас бобокалонимизнинг таваллуд кунлари барча юртдошларимизга муборак бўлсин.

## Буюк шоир хотираси

Мамлакатимизда улғ мутафаккир, шоир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги кенг нишонланмоқда.

■ **Ўз мухбиримиз**

Жойларда мазкур сана муносабати билан давра суҳбатлари, адабий кечалар, ғазалхонликлар уюш-

тирилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат юридик институтида ҳам бобокалонимиз таваллудига бағишлаб тадбир ўтказилди. Юртимизнинг таниқли ёзувчилари, олимлар ва талабалар иштирок этган ушбу учрашувда ҳазрат Алишер Навоийнинг нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётига қўшган улкан ҳиссаси, бобокалонимиз дostonлари, ғазаллари дунё адабиёти дурдоналари сафидан жой олганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ЎзLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Наманган юридик коллежиди ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 565 йиллигига бағишланган "Алишер Навоий илм ва фан ҳомийси" мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## Эҳтиром

■ **И. САТТОРОВ**

Ўзига хос баҳс-мушоира тарзида ташкил этилган мазкур учрашувда қолж талабалари Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ишро эздилар, улғ бобомиз ғазалларини ўқидилар, шоир асарлари асосида тайёрланган

клиппарни намойиш этиш, монологлар ўқиш орқали буюк шоирга ўз эҳтироmlарини билдирдилар. Тадбир сўнггида унинг гоилиблари ва иштирокчиларига партия вилоят кенгашининг қимматбахо совғалари ва эсдаликлари топширилди.

### РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ НЕГИЗИ БЎЛГАН, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ВА ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БАРЧА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРҲОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк" 2006 йилда пахта ва галла ҳосили этиштиришда кўзланган мақсадларга эришишини тилаган ҳолда, узоғини яқин қилиш ва қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида ўзининг **183** та филиал ҳамда **468** та минибанклари қўшимча янгидан ташкил этилаётган **150** та минибанклари орқали Сизларга қуйидаги тезкор, манфаатли банк хизматларини таклиф этади:

- корхона ва хўжалигининг ҳисобварағини очади, ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатади;
- пахта ва галла этиштириш учун имтиёзли кредитлар беради ва бизнес-режаларининг тузишда консалтинг хизматларини кўрсатади;
- юридик ва жиомоний шахслар ҳамда хўжалик субъектлари ўртасидаги тўлов операцияларини ўз вақтида амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади;
- барча турдаги коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилади ҳамда миҳозларнинг тўлов топшириқларини бажаради;
- омонатларга бўш пул маблағларини жалб қилади ҳамда депозит ҳисобрақамини маблағини, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни биринчи талабдаёқ тақдим этади;
- инвестиция маблағлари эгалари ёки тақсимловчилари буюртмасига биноан инновация лойиҳаларини филиал орқали молиялаштиради;
- банк Уставида кўрсатилган бошқа операцияларни ўрнатилган тартибда амалга оширади.
- филиал орқали ўрнатилган тартибда кредитлар ажратади ва

Сизларга:

- тракторлар ва тиркамалар;
- экиш носламалари;
- культиваторлар;
- пуркагичлар;
- плуглар;
- Германияда ишлаб чиқарилган ўта замонавий ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган "Класс-Доминатор 130" дон ўриш комбайнлари;

— Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган А-4 "Алтай" ҳайдов тракторларини харид қилишларингиз учун лизинг хизматини таклиф этади.

Шунингдек, "Пахтабанк"да мавжуд бўлган ва айнан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишга мўлжалланган ҳамда бизнесингиз учун қўлай халқаро молиявий институтларнинг кредит лойиҳаларидан фойдаланишингиз мумкин.

"Пахтабанк"нинг қўлай ва манфаатли хизматларидан фойдаланиш ва имкониятларингизни янада кенгайтириш!

**"ПАХТАБАНК" — ФЕРМЕРЛАРИНИНГ АСЛ ҲАМКОРИ!**  
Муҳтарам фермерлар!  
Ҳисобрақамингизни "Пахтабанк"да очинг, унинг қафолатли хизматларидан фойдаланиш ва имкониятларингизни янада кенгайтириш!

**"Пахтабанк" — фаровонлигингиз қалитидир!**

## Масъулларнинг масъулиятсизлиги сабабли

Каттақўрғон туманида фермерларни танлашда чалкашликка йўл қўйилмоқда

Айни пайтда маълумотиимизнинг аграр секторига кечаётган ўзига хос тарихий жараёнлар бугун барчанинг диққат-эътиборида, десак, муболага қилмаган бўлаемиз. Айниқса, ишлаб чиқаришдаги аксарият экин майдонларининг танлов асосида фермерлар илтиёрига берилётгани қишлоқ мулкдорлари сонининг ортишига, жойларда янги иш ўринларининг ташкил этилишига замин яратаётир. Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича эълон қилинган танловларда минглаб талабгорлар қатнашмоқдалар.

### Ақром БЕРДИМУРОДОВ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу жараён анчайин мураккаб бўлиб, қонунийлик, ошқоралик ва ҳолислик асосида ўтказилмоқда. Акс ҳолда йўл қўйилган биргина хато тўғрисида талабгорларда шубҳа пайдо бўлиши, танлов мутасаддиларига билдирилган ишончга путур етиши мумкин. Аммо ўта муҳим ишга масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳолатлари юз бераётгани ҳам сир эмас.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасига йўлланган шикоят хати ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади. Унинг муаллифи — Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида истикомат қилувчи О'зЛиДеР аъзоси Муҳаммад Ризақулловнинг ёзишича, у ўзи яшаб, меҳнат қилаётган Орзи Маҳмудов номли ширкат хўжалиги худудидан 10 гектар ер сўраб, бошқарув раҳбариятига мурожаат этган. Ариза қўриб чиқилиб, умумий йиғилишда маъқулланган, хўжалик раиси Б. Рўзиев тендер комиссиясига йўланма берган. Аммо комиссия раиси Б. Шодиев талабгор хўжаликларини қабул қилмай, аввал туман ҳокими Пирмат Усаровнинг розилигини олиш (?) кераклигини айтган.

Б. Шодиевнинг "таклиф"и қонун даражасида қабул қилиниши лозимлигини аниқлаган М. Ризақуллов 3 ой давомида ҳоким қабулига киришга уринган. Бироқ бунинг улдасидан чиқолмаган. Боз устига девонхона раҳбари Шайхиддин Қодиров аризани расман қабул қилиб олмай, турли баҳоналар билан М. Ризақулловани овоза қилаверган. Ури-ишларидан натижа чиқармагач, 2005 йил 12 октябрда ҳоким номига ёзган аризасини почта орқали жўнатган. Бироқ

орадан бир ярим ой вақт ўтсада, бу муҳим "ҳужжат" ҳокимликка "келиб тушмаган". Шунда аризагўй энг тўғри йўлни танлаган. Туман прокурорига мурожаат қилиб, почта вакили иш-тироқида жаноб Ш. Қодиров ушбу почта жўнатмасини икки кундан кейин, яъни 14 октябрда имзо чекиб қабул қилиб олганлигини исботлаган. Хуллас, ариза топилган. Бу ҳангомалардан хабар топган туман ҳокими М. Ризақулловни қабул қилиб, унинг ҳужжатларини қайта ташкил этиш комиссиясига юборган. Аммо...

Масалани атрофлича ўрганиш мақсадида Каттақўрғонда бўлдик. Орзи Маҳмудов номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси раиси Бердиев Шодиев билан М. Ризақуллова тақдим қилган ҳужжатларни кўздан кечирдик. Маълум бўлишича, бу ҳужжатларда ариза муаллифининг мутахассислиги кўрсатилмагани боис — 0 балл, маълумоти йўқлиги учун 5, соҳада 15 йилдан ортиқ ишлагани инобатга олиниб 10, моллиги ва пул маблағи 5 миллион сўмгача бўлгани учун 6, техника воситаларига оид бандда битта "Тико" автомашинаси қайд этилгани учун 1, сўнгги уч йил давомида етказиб берган маҳсулотлари бўйича тузилган ўзаро шартнома тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқлиги учун 0, бизнес-режасининг иқтисодий асосланганлиги 10, яъни жами 32 балл қўйилган.

Маъмур лойиҳа танловида яна 4 нафар талабгор иштирок этган. Улар 44,47,53,58 рейтинг балларини тўплаганлар. Кўриниб турибдики, М. Ризақуллова 32 балл билан тендер голлиби бўла олмади.

Б. Шодиевнинг таъкидлашича, талабгор танлов комис-



Хизмат сафари чоғида "Олимбой" фермер хўжалиги раиси Неймат ака Тоировнинг ҳам мулоҳазаларини эшитишга тўғри келди. Қарангки, у ҳам қўшимча 10 гектар ер олиш учун ёзган аризаси "йўқолган"и тўғрисида танловда иштирок этолмаган.

сиясига зарур ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган. Бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ.

Шу ўринда ҳақиқий бир савол туғилади: унда комиссия ушбу ҳужжатларни нега қабул қилган? Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов голлибини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низоми тасдиқлаш ҳақидаги 1523 сонли буйруғи асосида қабул қилинган ва Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилган низомининг 15-бандида:

"Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг қотиби қабул қилади. Комиссиянинг қотиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларини ишчи тартибда баргараф этиш чораларини кўради. Комиссия қотиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунига таалабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослангича ҳужжатларнинг тўлиқ

тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилиши таъминлашга кўмаклашиши лозим", дейилади. Биз низомининг ушбу бандига беҳиз аҳамият бераётганимиз йўқ. Чунки ҳужжатларни расмийлаштиришда комиссия қотибига катта масъулият юклатилган. Шу боис низомининг 38-бандида алоҳида таъкидланганидек: "Комиссия қотиби, қоида тариқасида, туман ҳокимлиги ходими бўлади".

Энди яна М. Ризақуллова тақдим этган ҳужжатларга қайтади-ган бўлсак, уларга хатто энг юқори балл қўйилган тақдирда ҳам учинчи натижага эга бўларди ва ариза кўтариб Тошкентга келмасди. Аммо, афсуски, танлов учун масъул ходимлар мавжуд тартиб-қоидадан яхшилаб тушунтириш ўрнига аввалбошданок унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига менсимай қарашган.

Хизмат сафари чоғида "Олимбой" фермер хўжалиги раиси Неймат ака Тоировнинг ҳам мулоҳазаларини эшитишга тўғри келди. Қарангки, у ҳам қўшимча 10 гектар ер олиш учун ёзган аризаси "йўқол-

ган"и тўғрисида танловда иштирок этолмаган.

Неъмат ака аслида тадбиркорлик фаолиятини 1993 йилда бошлаган. 1997 йилда 8 гектар майдонда деҳқончилик қилган. Аммо ҳужжатларда ушбу ер 10 гектар этиб кўрсатиб келинган ва фермер 8 йил мобайнида 2 гектар йўқ ер учун ҳам солиқ тўлаб келмоқда. Бу ҳақда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А. Шароповга бир неча бор учраб ҳам ҳужжатга тегишли ўзгаришлар кирита олмаган.


Қизиқ, наҳотки, 2 гектар ер ҳаводан олиб, фермер ҳисобига киритиб қўйилса-ю бундан ҳеч ким хабардор бўлмаса?

Фермер ўзининг ана шундай муаммоларига қарамай ҳар йили туман халқ таълими бўлими билан шартнома тузиб, боғчаларга 14-15 тоннадан сут етказиб берган. 4-5 тонна сут, 100 кило гўшти 9 та болалар боғчасига ҳомиёлик ёрдами тариқасида топшириб турган.

Ўтган йилнинг октябр ойида қўшимча яна 10 гектар ер олиш учун ариза ёзиб, хўжалик раиси Б. Рўзиевга учрашганда у "ер қолмади" деган жавобни эшитган. Топширилган ариза эса исзис йўқолган. Натижада у ҳам 23 декабрь кунини туман прокурорига мурожаат этишга мажбур бўлган.

Қиссадан ҳисса шуки, ниҳоятда муҳим бўлган маъмур тадбирга, афсуски, айрим ҳудудлардаги масъул раҳбарларнинг лоқайдлиги оқибатида етарлича эътибор қаратилмапти. Юқорида келтирилган икки воқеанинг ўзи бунинг яққол далилидир.

Шу ўринда масаланинг ниҳоятда нозик бир жиҳатига эътибор қаратиш ўринлидек туюлади. Биринчидан, жойлардан ўтказилаётган танловларга шунчалик юқори талаб бўлаётганининг ўзи ҳам қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг жуда фол иштирок этаётганини кўрсатмоқда. Энг муҳими — қишлоқларда истикомат қилаётган юртдошларимиз ислохотлар натижасини ўз кўзлари билан кўрмоқдалар. Бу эса улар онгиде мулк ва мулкдорлик тушунчаси тобора чуқурроқ илдиш отаётганидан далолатдир. Аммо ҳар тўққиздан бир айб, деганларидек, тадбиркор бўлиш илнжидеги айрим юртдошларимиз баъзи мутасадди идоралар масъул ходимларининг масалага бир ёқлама ёндашганлари оқибатида давлатимиз томонидан берилган имкониятларидан тўла фойдалана олмаяптилар. Бундан жиддий хулосалар чиқариш лозим.



Дунёда онадек азиз, онадек меҳрибон инсон бўлмаса керак. Ҳадислардан бирида "Авалл онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнгра отангга яхшилик қил", дейилади. Бунинг замирида улуг зотга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром тўғрисида мужассам, албатта. Она — буюк қудрат, буюк куч. У ҳеч қачон миллат танламайди. Гуруч курмакисиз бўлмаганидек, орамизда бемехр ва оқибатсиз фарзандлар ҳам учраб туради.

## Кимдир онага зор, кимдир уни қилар хор

- Талибжон ОБИДОВ Юнусобод тумани жиноят ишлари бўйича суди судьяси.
- Шукурullo ПАРПИЕВ "XXI asr" мухбири

Ўтган йил 6 август кунини Юнусобод туманидаги 18-даҳа, 23-уй, 13-хонадонда ёлғиз ўғли билан яшовчи Зилей Хабибулина оғир аҳволда касалхонага олиб келинди. У қаттиқ калтакланган эди. Етмиш ёшга қаралаб қолган муштипар аёлга жабр етказган ким бўлдики? Шифокорларга раҳмат, унинг ҳаётини сақлаб қолишди. Бемор тилга кирди. Хар икки гапнинг бирида «Ўғлим соғ-омонми? Унинг айби йўқ», -дега тақрорлар эди. Ниҳоят, у тузалиб уйига қайтди. Лекин ташвишлари аримайди. Бутун дарду алами ичида эди. Ўғли Илшоод нобопроқ чиқди. Буни кимга ҳам айтсин. Қўл синса, енг ичида, дейдилар. Илшоод Хабибулин онаси билан бирга яшар, ишламас эди. Ўтганнинг ўрғини, кетганнинг кетмонини олиб, ўзига ўхшаган тақасалтанг уфатлар билан қўча чангилиб юришни одатга айлантирган И.Хабибулин аслида унчалик ёш эмас, ўттиз учини қаралаб қолган. Майда безорилиғи учун судландиб чиққан бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқари олмайди, аксинча, навбатдаги жиноятга қўл урди, фарзандлик шаънига доғ туширди. У кейинги икки йил ичида ичкиликка ружу қўйди, тўғри йўлга солишга уринганларнинг панду насихатларини қулгоғига олмайди. Меҳнат қилишга бўйин ёр бермас эди. Онасининг пешона тери билан топган бор бисотини сотиб, ўз ишрати йўлида сарфлади.

Пули туғалунга қадар кўча-куйда айшини суриб юрди. Уч-тўрт кундан сўнг уйига қайтса, ҳеч ким йўқ. Онасининг касалхонага ётқизилганини эшитгач, кўнглини хавотир эгаллади. У жиноятга қўл урганни яхши билар эди. Энди нима бўлади? Наҳотки, яна темир панжара ортига тушса? Ушбу саволлар унга тинчлик бермас эди.

Саёқ юришининг оқибати маълум. Соттиш учун ҳеч вақо қолмагач, Илшооднинг феъли айниди, кекса онадан пул талаб қила бошлади. Кейин уни калтаклаш кетди. Кампир гурсиллаб йиқилди. Эвоҳ, муштипар она! Уй тўловлари учун нафақасидан йиғиб қўйган уч-тўрт танга пули бор эди. Тошорак фарзандга худ-

ди шу керак эди. Пул қўлга теғди. Илшоод онасига: "Бировга мик этсанг, ўлдираман", — дея дўқ-пўписча қилиб, чиқиб кетди. Калтак зарбидан беҳуш она эса уйнинг бир бурчатида кон қақшаб қолаверди. Қўни-қўшнилари хабар олгани чиқишганда унинг аҳвали ниҳоятда оғир эди. Яхшиларнинг ёрдами билан З.Хабибулина шифохонага ётқизилди.

Зуравон ўғил эса бу пайтда ўзининг кайфу сафоси билан овоза эди. Пули туғалунга қадар кўча-куйда айшини суриб юрди. Уч-тўрт кундан сўнг уйига қайтса, ҳеч ким йўқ. Онасининг касалхонага ётқизилганини эшитгач, кўнглини хавотир эгаллади. У жиноятга қўл урганни яхши билар эди. Энди нима бўлади? Наҳотки, яна темир панжара ортига тушса? Ушбу саволлар унга тинчлик бермас эди. Санокли кунлар ўтиб, кампир уйига қайтди. Ўғил онасини соғ-омон кўрганидан хурсанд эди. У ёпиқли қозон ёпиқлигича қолади, деб ўйлаганди. Йўқ, дунёда адолат бор экан. Туман суди ушбу жиноят ишини очик суд мажлисида кўриб чиқди. Не орзу-ҳаваслар билан катта қилган фарзандини қора курсида кўриш она учун азоб эди. Начора?..

Илшоод Хабибулин одил суд ҳукми билан 6 йил озодликдан маҳрум этилди. Бор гап шу. Энди бир мулоҳаза юришиб кўрайлик. Хукуматимиз томонидан ёшлар учун барча шарт-шароит яратиб берилган бир пайтда нима учун биз лоқайдликка йўл қўяпмиз? Юқоридагига ўхшаш ноҳуш ҳолатларнинг содир бўлишига ким сабабчи? Аввало, ўзимиз эмасми?

Яхши тарбия кўрган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Хар қандай жиноят, аввало, ҳуқуқий савиясизлик оқибатидир. Ўз онасини хўрлаган фарзанддан нимани кутиш мумкин? Балки энди у ўз хатосини тушуниб, тўғри йўлга тушиб олар? Харқалай, бу ёғини вақт кўрсатади.

## Фалокат оёқ остида...ми?

Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Собиржон Ирисбеков диққатига!

### Баҳодир ОСТАНОҚУЛОВ


Тўрт-беш чоғли аёл қўлидаги юклари билан пиёдалар ўтиш жойида автомобилларнинг сийраклашишини кутиб туришди. Қатнов ҳадеганда тинавермагач, улар шашт билан олдинга интилишди. Ўртадаги бетон тўсиқча етишганда ёш боланинг аянчили чинқириғи ҳамда юқори тезликда келаётган автомобилнинг қаттиқ тормоз беришидан ўзларига келишди. Фалокат оёқ остида, деганларича бор. Кабина ичида ўтирган ҳайдовчи қора терга ботган, ёшгина мурғакнинг бегубор кўзлари эса кўркувдан қотиб қолган эди. Шунда ҳалиги аёллардан бири қўлидаги юклари улоқтириб, ўзини бола томон отди. Йўловчилардан бири онани эътиборсизликда айбласа, бошқаси ҳайдовчини қораларди.

Хўш, аслида ким ҳақу, ким ноҳақ? Келинг, шу хусусда бир оз мулоҳаза юришиб кўрайлик. Жанубий вокзал билан эски "Самарқанд" шоҳбекати ўртасидаги катта йўл ҳамшиша гавжум, серқатнов. Ўтган йили бу жойлар қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мослаштирилди. Қурилиш ишлари муносабати билан йўл бўйларидеги светофорлар олиб ташланди. Уларнинг ўрнига янгиларини ўрнатиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаётир.

Бу эса юқоридагидек ҳодисаларнинг тез-тез такрорланиб туришига сабаб бўлмоқда. Инсон ҳаёти хар нарсадан азиз. Лекин... Йўл-патруль хизмати ходимларининг лоқайдлигини айтмай қўя қолайлик. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш уларнинг биринчи галдаги бурчи эмасми, ахир?

Очиғи — бу ерда биронта ҳам ўтиш йўлаги йўқлиги боис, йўловчилар бетон тўсиқлар устидан сакраб ўтишга мажбур бўлишмоқда. Гап шундаки, йўлнинг бир томонидаги бекат Тошкентни Сирғали, Бектемир туманлари ва вилоятнинг қатор худудлари билан боғласа, иккинчи томондаги бекат орқали шахримизнинг исталган манзилига етиб олиш мумкин.

Хулоса аниқ. Мавжуд вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, Жанубий вокзал худудидеги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамон долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу хусусда мутасаддилар нима дейишаркин?



ОФРИҚ НУҚТА

ЛУҚМА

АФҒОНИСТОН

## Қоғозда қолаётган ваъдалар

турли мақомдаги ташкилотлар орқали ажратилаётган маблағларнинг тахминан 30 фоизи белгиланган "манзил"га етиб бормаяпти

Маълумки, диний экстремизм, нарқобизнес, этник зиддиятлар авж олган Афғонистон мамлакатдаги таназзулнинг чуқурлиги ва кескинлиги билан минтақавий ва дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Гарчи бундан беш йил муқаддам толибонлар ҳокимиятдан ағдарилган бўлса-да, АҚШ бошчилигидаги коалиция террорчиларни таг-томири билан маҳв эта олмади. Боз устига, Афғонистон дунёда гиёҳванд моддалар етиштириш бўйича «пешқадам»ликни қўлдан бермай келаяпти.

ун хизмат қилади, дея таъкидлашдан чарчамадилар. Бундан биров муддат аввал БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро билан учрашув пайтида ҳам президент Карзай халқаро ёрдам лойиҳаларини амалга оширишда ҳукумат асосий роль ўйнаши зарурлигини айтиб ўтганди.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг ҳисоблашларича, турли мақомдаги ташкилотлар орқали ажратилаётган маблағлар-

лан ҳамкорлик қилиш тамойиллари, маблағларни ўтказиш муддати ва механизмларини тартибга солиди. "Ўтиш даврида миллий ривожланиш стратегияси" эса тараққиётнинг устувор йўналишлари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш тамойилларини белгилаб беради. Бироқ Афғонистон ҳукумати ҳам, халқаро ҳамжамият ҳам маблағларнинг бевосита ҳукумат орқали ўтиши кераклигига уруғ берган бўлса-да, қабул қилинган ҳуж-


Шерзод ЭРАЛИЕВ

Донор мамлакатлар эса Афғонистонни қайта тиклаш юзасидан ўз зиммаларига олган молиявий мажбуриятларини бажаришмаяпти. Токио ва Берлин конференцияларида ваъда қилинган пулларнинг катта қисми Афғонистон хазинасига келиб тушмади. Ажратилгани ҳам расмийлар томонидан ҳавога соғурилди. Ўтган ҳафтада Буюк Британия пойтахтида бошланган анжуманда Афғонистон масаласи яна кун тартибига қўйилди. Унда Афғонистонни тиклашга ажратилган маблағни оқилона тақсимлаш масаласи хусусида сўз борди.

64 мамлакат ва 11 халқаро ташкилот вакиллари қутилмаганда урушдан вайрон бўлган мажбур мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун келгуси беш йилда 10,5 млрд. АҚШ доллари ажратилишини эълон қилишди. Ушбу маблағга Токио ва Берлин конференцияларида донор мамлакатлар ваъда қилган 2 млрд. доллар ҳам қиради. Бироқ, Афғонистон ҳукумати маблағдан мақсадли равишда фойдаланиши зарурлиги таъкидланмоқда.

Афғонистондаги демократик ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапирган Кондолиза Райс АҚШ ҳукумати жафокаш афғон халқига кейинги тўрт йил мобайнида 4 млрд. доллар миқдорда ёрдам беришини маълум қилди. Буюк Британия эса мана шу муддат ичида 885 миллион доллар ажратишга ваъда берди. Хусусий бизнес вакиллари орқали Афғонистонда катта маъқега эга бўлган Туркия ўз ёрдамини ўн баробар оширишини билдирди. БМТ Тараққиёт дастури вакилининг сўзларига қараганда, ёрдам қиймати қутилганидан ҳам ортиқдир. Лекин ваъдаланинг қоғозда қолиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Чунки, аввалги анжуманларда ҳам Афғонистонга 4,5 ва 8,5 млрд. доллар ажратилиши ваъда қилинган эдию, бироқ



маблағнинг учдан бир қисми ҳам етиб келмаганди. Ваҳоланки, Президент Хамид Карзай таъкидлаганидек, мамлакат оёққа туриб олиши учун яқин етти йил давомида 27,5 млрд. доллар зарур.

Кузатувчилар бундай муруват ортида айрим давлатларнинг ушбу мамлакатга, умуман минтақага нисбатан қизиқишлари борлигини таъкидламоқдалар. Афғонистон вакиллари эса ажратилган маблағ ҳажминини янги ҳукуматга ишонч белгиси сифатида баҳолашларини маълум қилдилар.

Анжуманда муҳокама этилган асосий масала ваъда қилинган маблағни мақсадли йўналтиришни назоратга олиш усуллари ҳақида бўлди. Бутун тадбир давомида президент Хамид Карзай ва ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла, агар ушбу маблағлар халқаро нодавлат ташкилотлар, ёрдам кўрсатиш агентликлари ва консалтинг ташкилотлари орқали эмас, бевосита афғон ҳукуматига берилса, қўзланган мақсадлар

нинг тахминан 30 фоизи белгиланган "манзил"га етиб бормаяпти. Агар ёрдам пулларини бевосита Афғонистон вазирликлари ва идоралари олаётган бўлса, бундай "ортиқча харажат"лар ҳажминини 20 фоизгача қайтариш имкони туғилади.

Анжуман давомида оддий афғонлар ҳаётини олаётган хизмат қилмаган ёрдам турлари танқид остига олинди. Масалан, Афғонистон опийум ва героин етиштириш бўйича ҳамон етакчи ўринни эгаллаб турибди. Гиёҳванд моддаларни етиштирувчиларга қарши на ҳукумат кескин чоралар кўрган, на ёрдам олаётган ташкилотлар маблағни тўла равишда мақсадли йўналтирган.

Лондон конференциясида кейинги беш йил мобайнида Афғонистонга ажратилган сармояларни тақсимлаш бўйича ҳукумат ва халқаро ҳамжамият фаолиятини белгилаб берадиган иккита асосий ҳужжат қабул қилинди. "Афғон комплекти" мамлакатнинг халқаро ҳамжамият би-

жатларда бунинг учун томонларга аниқ мажбуриятлар юкланмаган.

Шуни таъкидлаш керакки, Афғонистон етакчилари ва халқаро ҳамжамият вакиллари Афғонистонни қайта тиклаш ишлари муваффақиятли кечаётганини деярли ҳар бир нутқда айтиб ўтдилар. Қочқоқлар ўз ватанига қайта бошлагани, аввал беркитилган мақтабларнинг очилиши, ислохотларнинг бошланиши ва бошқа амаллар бунга мисол тариқасида келтирилди. Ваҳоланки, ҳеч ким оддий афғонларнинг турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатмаган кўмак, толибонларнинг айрим вилоятлардаги зўравонлиги, террорчилик ҳужумларининг кун сайин авж олаётгани, наркотрафикка қарши кураш кўнгилдагидек бормаётгани, боз устига, айрим дала кўмондонларининг нарқобизнесга муқкасадан кетгани, қўлаб вилоятларда расмий Қобул таъсирининг чеklangани ҳақида гапиргани ҳам йўқ.

ЯҚИН ШАРҚ

Куни-кеча Фаластин расмийлари мухториятга камида 300 млн. доллар маблағ зарурлигини маълум қилишди. Агар халқаро ҳамжамият ёрдам бермаса, у ҳолда 137 мингдан ортиқ давлат хизматчиси маошсиз қолади, вазирлик ва идораларнинг иш фаолияти издан чиқади.

йили пайдо бўлганди. Коррупцияга оид кўпдан-кўп можаролар ўшанда келиб чиққан эди. Айни ҳолат узоқ йиллардан бери ҳокимият тизгинини қўлда сақлаб турган "Фатх" партиясининг сайловда мағлубият аламини тортишига олиб келди. «ҲАМАС» етакчиларидан бири Муҳаммад Абу Тирг "Ал Қудс" гезетасига берган интервьюсида айтишича, "ҲАМАС" АҚШ ва Европа Иттифоқининг молиявий қамалини бартафат этиши, халқ муҳтож бўлиб турган моддий кўмакни бошқа каналлардан олиши мумкин. Тўғри, мусулмон мамлакатлари, айниқса, араблар Фаластинга мунтазам ёрдам кўрсатишлари аниқ. Исроил манбаларига кўра, «ҲАМАС» Сиёсий

## Фаластин ҳомийси ўзгаради

Бироқ яқинда бўлиб ўтган парламент сайловида зафар қучган "ҲАМАС" гуруҳи раҳбарлари Фарбнинг Фаластинга ёрдамини шарт эмас, дея баёнот бердилар. Фаластин мухториятининг иқтисодиёт вазири Мазен Сонокротнинг сўзларига кўра, ўтган йил бюджетини шакллантиришда Фарб ваъда қилган 300 млн. доллар пул ҳам ҳисобга олинган. 25 январь куни умумхалқ сайловида "ҲАМАС" гуруҳи ғалаба қозонганидан кейин Фаластин маъмурияти олдида молиявий муминно пайдо бўлди. Чунки гуруҳ низомида Исроил давлатини йўқ қилиш муҳим вазифа сифатида белгилангани сабабли мухториятнинг асосий ҳомийлари — Европа Иттифоқи ва АҚШ молиявий кўмакни тўхтатиш таҳдиди билан чиқдилар.

Дарвоқе, мухториятни молиялаштиришни тўхтатишга оид гап-сўзлар ўтган



кенгаши раиси Халид Машъал ва Эрон раҳбарияти Техроннинг ташкилотга кўрсатадиган сиёсий ва молиявий ёрдами борасида келишиб олганлар. Бу эса Яқин Шарқдаги вазиятнинг янада чигаллашувига олиб келиши мумкин. Чунки, бир томондан, Исроил ва Эрон, иккинчи тарафдан эса Эрон ва Фарб ўртасидаги муносабатлар ниҳоятда кескин бўлиб турибди.

МИСР

## Қизил денгиздаги «Титаник»

Ўтган жума куни Қизил денгизда рўй берган кема ҳалокати оқибатида 1000 нафарга яқин инсон қурбон бўлди. Ҳалокат тафсилотлари ойдинлашгани сайин қурбон бўлганларнинг қариндошлари ўртасида норозилик кайфияти кучайиб бормоқда.

қутқариш имконияти бўлмаганлиги таъкидланмоқда. Al Salam Boccaccio 98 паромни жумага ўтар кечаси Қизил денгизда чўкиб кетган эди. Бортида 1400 нафар йўловчи (асосан мисрликлар) бўлган, Саудиянинг Дуба портидан Мисрнинг Сафасига томон йўлга чиққан кема юқонасида ёнган чиққан. Тахминларга қараганда, оловни сув билан ўчиришга уриниш кема ҳалокатига олиб келган. Ҳозиргача 401 киши қутқариб қолинган, 195 нафар йўловчининг жасадини сувдан чиқариб олишга эришилган. Омон қолганларнинг айтишларича, кема капитани ва жамоаси йўловчиларни қутқариш учун ҳеч бир иш қилмаган, уларнинг тақдирини қизиқишмаган. Масалан, капитан Саид Умар чўккан кемани биринчилардан бўлиб тарқ этган ва энг ёмони — "одамларда саросима уйғотмаслик мақсадида" қутқарув жилетларини тарқатмасликка буйруқ берган.



Al Salam Boccaccio 98 паромининг чўкиши натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг қариндошлари унинг эгаси Миср расмийларини айбон қилди. Улар кема ҳалокатига компанияни, чўкаётган кема паромни тарқ этган капитани ва қисман Миср расмийларини айбон қилди. Айни чоқда тақдирини номалум 800 киши биносига ёриб кир-шидан бирортасини ҳам

ГРУЗИЯ

Грузиядаги "Анти-Сорос" ҳаракати томонидан Тбилиси аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровда пойтахтликларнинг аксарияти америкалик миллиардер, "атиргул инқилоби" ҳомийси ва раҳнамоси Жорж Сорос фаолиятига ўта салбий муносабатда эканлиги маълум бўлди.

зияни бошқараётган "Ягона миллий ҳаракат" партиясини молиялаштириб турганига шубҳа билдирмаган. Шуниси ажабланарлики, респондентларнинг 57 фоизи америкалик миллиардернинг таъсири Грузия тараққиётига тўсик бўлади, деб уйлайди. "Анти-Сорос" раҳбари Майя Николеишвили мазкур ижтимоий сўровлар натижаларини изоҳлар экан, "Ўтган йиллар ичида грузин жамоатчилигининг кайфияти ва инқилобга муносабатидан анча ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг бундай муносабати нафақат Соросга, балки инқилоб раҳнамоси ва ҳамтовоғи — Америка Қўшма Штатлари ҳам тааллуқлидир", — дея таъкидлади.

## Сорос — Грузия душмани

Сўралганларнинг 4,4 фоизига Жорж Сорос Грузиянинг дўсти, 90 фоизи эса душмани деган фикр билдирган. Яна 1,8 фоиз аҳоли Сорос ўз миллиардларини ривожлантирган давлатлар ҳисобига топапти, деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг 90 фоиздан кўпроғи фикрича, Сорос ўзининг Грузия ҳукуматига таъсирини қўлдан қўйиб, унинг ички сиёсатига ҳам аралашмоқда. 80,3 фоиз грузиялик эса Сорос Гру-



ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОКЕАЛАР,


ХАБАРЛАР,

АҚШ

## «Совуқ уруш» кўланкаси

АҚШ президенти Жорж Буш келгуси йилнинг бюджет лойиҳасини Конгрессга тақдим этди. Унда мудофаага ажратилган харажатлар деярли 20 миллиард долларга кўпайтирилган. Шу билан бирга Пентагон икки фронтда уруш олиб боришга қодир Америка қуролли қучларини ривожлантиришга оид ўзининг тўрт йиллик режасини маълум қилди.

Шерзод АРАПОВ



АҚШ ҳарбий қудратини оширишга қаратилган янги ташаббуслар сиёсатчиларнинг Вашингтон Эронга қарши куч ишлатишга тайёрлиги хусусидаги баёнотларидан кейинроқ ўртага ташланди. АҚШ мудофаа вазири Рамсфельд, агар Эрон уранни бойитишдан воз кечмай, қайсарлик қилаверса, у ҳолда куч ишлатилишини айтди. Жорж Бушнинг яқин дўсти, сенатор Билл Фрист ҳукумат тарафдорларининг ёнини олиб, зарур бўлса, Конгресс Эронга қарши куч қўлланилишини қўлаб-қувватлайди, деб таъкидлади.

Бюджетнинг янги лойиҳасида бўлгуси молиявий йилда харажатлар миқдори ўтган йилгисидан 130 миллиард кўп, яъни 2,7 триллион долларни ташкил этади. Масалага оидлики кири тар экан, Жорж Буш бюджетнинг харажатлар қисми жудаям катъий бўлишини таъкидлади. Дарҳақиқат, конгрессменлар иштироғида юборилган ҳужжат юзлаб давлат дастурларининг қисқартирилишини кўзда тутди. Ҳаттоки, қарияларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш дастури — "Medicare" ни бекор қилиш, бунинг эвазига 36 млрд. долларни тежаб қилиш тавсия этилди. Давлат раҳбарининг фикри-

ча, ижтимоий ҳимоя дастурлари яхши бажарилмаяпти ёки муҳим миллий манфаатларга жавоб бермайди. Буш нуктаи назарига кўра, миллиардларни самараси кам ишларга эмас, балки мудофаа, ички хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш, Ироқ ва Афғонистон урушига йўналтирилган маъжурроқ, Пентагоннинг зарурий эҳтиёжлари учун эса 439,3 миллиард доллар, яъни бюджетнинг 16 фоизи миқдорда маблағ ажратиш тавсия этилмоқда. Матбуотда маблағнинг нималарга сарфланиши хусусида маълумотлар пайдо бўлди. Associated Press агентлиги томонидан чоп этилган ҳужжатга кўра, пулнинг катта қисми армияни замонавий ҳужумкор қуроллар билан таъминлашга йўналтирилади. Кузатувчиларнинг фикрича, Вашингтон сиёсатининг тобора милитаристик тус олаётгани бошқа давлатларни ҳам қуролланишга мажбур этапти. АҚШ ҳарбий мақсадлар учун ажратаётган маблағи бир неча ўн йиллик мамлакатнинг умумий харажатларидан ошиб тушади-ю, бироқ бошқаларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш йўлида қурол-яроғ сотиб олишини қораламоқда.

ҚУРОЛЛАНИШ

